

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХҮЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ
ИЛМИЙ ИШЛАБ-ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ**

**АКАДЕМИК МАХМУД МИРЗАЕВ НОМЛИ БОҒДОРЧИЛИК,
УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**ИНТЕНСИВ БОҒ ВА ТОКЗОРЛАРДА
ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ БҮЙИЧА
ТАВСИЯНОМА**



ТОШКЕНТ – 2015

Ушбу тавсиялар барпо қилинаётган ҳамда етиштирилаётган мева ва узум навларининг биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда сув ҳамда бошқа ресурслардан самарали фойдаланишни таъминловчи боғ ва узумзорларни парваришлашда ўтказиладиган агротехник тадбирлар мажмуасини ўз ичига олади.

Тавсияда тупроққа ишлов бериш, ерни экишга тайёрлаш, ўсув даврида сув ва ресурстежовчи технологияларни кўллаш, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш ҳамда ҳосилини йиғиб-териб олишгacha бўлган агротехник тадбирлар ва мева-узум маҳсулотларини куз-қиши мавсумида сақлаш бўйича тўлиқ маълмутлар келтирилган.

Муаллифлар: Сулаймонов Б.А., Холиков Б.М., Саимназаров Ю.Б., Файзиев Ж.Н., Абдуллаев Р.М., Арипов А.А., Набиев Ў.Я., Акрамов У.И. ҳамда илмий ходимлар.

Тақризчи:

Фахуритдинов Н.З. – Тошкент давлат аграр университети Мевачилик, сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси доценти

К И Р И Ш

Республикамизда қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини, шу жумладан мевачиликни жадал ривожлантириш, тупроқ унумдорлигини кўтариш, мева ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда улардан қайта ишлаш саноатида тайёрланадиган маҳсулотларни қўпайтиришга, ҳалкимизни мевага бўлган талабини тўла қондиришига қаратилиши зарур.

Боғдорчиликка ихтисослашган ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантирилиши, мамлакатимизда мевага бўлган эътиборини янада кучайтириб, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини кўтариш ҳамда мева маҳсулотини қайта ишлаб, уларни чет мамлакатларга экспорт қилиш имкониятлари яратилинди.

Боғбон фермерлар зиммасига мева етиштиришда унинг ҳосилдорлигини кескин кўтариш, маҳсулот сифатини яхшилаш, қуруқ мева тайёрлаш ҳажмини ошириш, аҳолини ҳамда қайта ишлаш саноатини хом-ашё билан тўлиқ таъминлаб, юқори сифатли маҳсулотни четга чиқариш юклатилади.

Боғдорчиликни юқори поғонага кўтаришда фермерларимиз фан ютуқлари ва тавсия этилган технологияларни ўз вақтида ва юқори агротехника даражасида амалга оширишлари зарур.

Тупроқ иқлим шароитларини қулайлиги мева турлари ва ажойиб навларининг мавжудлиги, улардан юқори, мўл ва сифатли ҳосил олиш имкониятини беради.

Боғлардан мўл ҳосил олишда зарур бўлган агротехник тадбирларни ўз вақтида юқори даражада бажарилиши қўйидаги тавсияномада баён этилган.

ЁШ БОҒЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ

Мевали дарахтлар дастлабки йиллари ажратилган озиқланиш майдонининг ҳаммасидан фойдаланмайди, шу туфайли ёш боғлар қатор ораларида 2-3 йил давомида дарахт шохлари туташгунча турли қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш мумкин. Пахта, сабзавот, полиз ва бошқа шудгорлаб экиладиган эртаки ва ўртаки экинлар етиштириш тавсия қилинади.

Шўрланган ерларда дастлабки йиллари беда экиш мақсадга мувофиқдир, чунки у мазкур шароитда тупроқни азот ва бошқа органик моддалар билан бойитибгина қолмай, балки таркибини яхшилади, сизот сувлари сатхини пасайтиради. Бу экин, айниқса, 2-3 йили жуда кўп нам суради, шунинг учун уни суғориш суви билан таъминланган ёш боғларга ҳам экиш мумкин. Шу нарса аниқланганки, беда ўзи сурадиган катта миқдордаги суви билан бирга қўплаб озиқа моддаларни ҳам олади. Боғ қатор ораларига беда экилганда, биринчи йили тупроқдаги эрийдиган азот ва фосфор миқдори кескин камаяди, натижада дарахтларнинг озиқланиш режими ёмонлашади. Шунинг учун ерга қўшимча озиқа сифатида минерал ўғитлар солиши керак.

Ўсимликларни парваришлашда ўсимлик танаси атрофидаги тупроқ ҳар йили эрта баҳорда 12-15 см. чукурликда юмшатилиши керак. Ёз бўйи ниҳоллар унинг икки томонидан 25-30 см. масофада олинган ариқлар орқали 8-10 маротаба суғорилади. Суғориш мухлатлари куйидагича: апрелда бир маротаба,

май-июнда икки маротаба, июлда уч маротаба, август-сентябр ойларида бир маротаба. Ҳар сүғоришдан кейин эгатлар культиватор билан юмшатилади.

Боғда дараҳт қаторлари ораси октябрь ойининг охири ноябрь ойининг бошларида 25-27 см. чуқурликда шудгор қилиб ишлов берилади.

Эрта баҳорда ер 15-17 см. чуқурликда юмшатилади. Бу иш тракторга осиладиган МПВ-1, КСЛ-5 қуроллар ёрдамида бажарилади. Дараҳт танасига якин ерларни юмшатиш учун ФА-76 фрезадан фойдаланилади.

Бегона ўтларнинг пайдо бўлишига қараб дараҳт танаси ёнидан ерлар ФА-76 фрезаси билан юмшатилади.

Ҳар йили мева дараҳтлари тўлиқ ҳосилга киргунча гектарига кузда 40-50 кг. ҳажмида фосфор, 30-40 кг. ҳажмида калий, баҳорда 60-70 кг. азот ўғитлари солинади.

Боғнинг қатор ораларига дараҳтлар 5-6 ёшга тўлгунча оралиқ эртаки ва ўртаки экинлар (картошка, қанд лавлаги, қизилча, саримсоқ пиёз, редиска, туруп, майда ошқовок, помидор, карам, ловия, нўхат, полиз экинлари) экилади. Улар парвариш қилинаётган экиннинг агротехника талаблари асосида ўғитланади ва сүғорилади.

Боғнинг қатор ораларига оралиқ экинлар экканда дастлабки 1-2 йилларда дараҳт танаси ёнидан 1 м. кенгликда оралиқ қолдириш керак. Кейинги йилларда оралиқ бўш жой 0,5 м. дан кенгайтириб борилади. Боғ тўла ҳосил бера бошлагач, оралиқ экинлар экилмайди.

Кўчат экилган йилнинг қузида, ёзда нобуд бўлган кўчатлар ўрнига шу нав кўчатидан ўтказилади.

Мевали дараҳтлар қўйидаги схемада экилади

Т урл ар	Сүғориладиган бўз тупроқ		Шағалли-қумлик тупроқ		Тоғли худуд	
	Масофа, м.					
	Қатор ораси	Кўчат ораси	Қатор ораси	Кўчат ораси	Қатор ораси	Кўчат ораси
О л м а	8	7	8	6	6-8	6
Олма (ўрта бўй пайвандтагда)	6	5-6				
Н о к	8	6	8	5	6-8	5
Б е х и	6	4	5	4	-	-
Ўрик	8	7	8	6	8	6
Олхўри ва йирик мевали	7-6	5	6	4	-	-
Шафтоли	6	4	5	4	-	-
Г и л о с	8	7	8	6	-	-
О л ч а	6	4	6	4	-	-
Х ур м о	6	6				

ҲОСИЛЛИ БОҒЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ

Боғларда тупроқнинг унумдорлигини доимо яхшилаб борилиши керак. Дараҳтларга тўғри шакл бериш ва қирқиш билан бирга тупроққа етарли даражада органик ва минерал ўғитлар солиб туриш, ерга ўз вақтида ва юқори сифатли ишлов бериш, ўсимлик ва меваларни зааркундалар ҳамда

касалликлардан сақлаш, йилнинг ҳамма фаслида тупроқни етарли намлиқда бўлишини таъминлаш ишларига алоҳида эътибор бериш лозим. Ҳосил бераётган боғларда заминни яхши сақлашнинг асосий тартиби – бу ерни баҳорда (хеч нарса экмай) яхши ўғитлаб, шудгорлаб қўйишдир. Шу билан бирга органик ўғитларни қўпи билан ҳар 3 йилда бир маротаба чиринди сифатида гектарига 20-25 тоннадан солиш керак. Бундай ўғитлар етишмаса 2-3 йилда бир маротаба қатор ораларига сидерат экинлар экилади. Уларни сентябр ойи охирида экиб, гуллаш пайтида – май ойининг бошларида ерга ҳайдаб юборилади. Кўк поянинг тупроқ остига яхши тушиши учун экин ер ҳайдалиши олдидан КИР-1,5 ротацион ўриш машинаси билан майдалаб чиқилади.

Ҳар йили кузги шудгор ўрнига ноябрь ойида 15-17 см. чуқурликда культивация қилиниши мумкин. Фақат ерга органик ўғит солинсагина у плуг билан 20-22 см. чуқурликда ҳайдалади. Эрта баҳорда қатор оралари қайта юмшатилади, ҳамда бу иш ёз бўйи ҳар бир сугоришдан кейин такрорланади. Бунда ишлов берувчи МПВ-1 машинаси КЗУ-03 культиватори билан амалга оширилади. Дараҳт танасига яқин жойларга (10-12 см.дан чуқур бўлмаган) ишлов бериш учун ФА-76 механик фрезадан фойдаланилади.

Дараҳтлар суст ўсаётган бўлса (30-40 см дан кам) ўғитни 1 m^2 жойга 40-60 г. ҳисобида бевосита уларнинг танаси атрофига солиш керак. Дараҳтлар катталашган сайин уларнинг танаси атрофининг доираси кенгайтириб борилади.

ЎҒИТЛАШ

Ҳосилли боғга 2-3 йилда бир маротаба гўнг (гектарига 20-40 тн.) ҳар йили минерал ўғит (гектарига 120 кг. азот, 90 кг. фосфор, 70 кг. калий соф ҳолда) солинади. Гўнг бўлмаса ўғитлар миқдори 30-40 % кўпайтирилади. Уч йилда бир маротаба фосфор-калий (гектарига Р₁₈₀ К₉₀ кг соф ҳолда) ўғити солиб, ер чуқур (40-45 см.) шудгор қилинади. Фосфор, калий ўғитлари ва гўнг кузги шудгор олдидан солинади, азот ўғити дараҳт гуллашидан 2-3 ҳафта олдин гектарига 120 кг. (соф ҳолда) миқдорида 20-25 см. чуқурликка солинади.

Шағаллик тупроқ ерларда ўғитлар миқдори 50% кўпайтирилади, азот уч маротаба баҳорда, июнь ва июль ойларида солинади.

Йил давомида 800-1000 мм. ёғин тушадиган тоғ худудларида (денгиз сатҳидан 800-1200 м. баландликда) ўғитлар қуидаги тартибда солинади. Кузда (октябрь-ноябрь ойларида) ҳар гектар ерга азотнинг умумий миқдорининг 30-40% аммофос билан сульфат аммоний сифатида, калий 30-40 кг., фосфор 60-70 кг. соф ҳолда органик ўғит билан биргаликда берилади. Азот ўғитининг қолган қисми (60-70%) баҳор ойларида (март-апрель) 10-12 см. чуқурликда солинади. Органик-минерал ўғитларнинг мана шу муддатларда солиниши уларнинг ёғинлар таъсирида тупроққа тез сингишини таъминлайди.

Ўғитлар ерга РОУ-5, НРУ-0,5, МПВ-1, КСЛ-5, ПТ-4 машиналари ёрдамида солинади.

Дараҳтлар экилган қумлок, бўз ерларга солинадиган минерал ўғитларнинг нормаси қуидагилардир: азот гектарига 120 кг., фосфор гектарига 90 кг., калий гектарига 45 кг.

Азот ўғити икки маротаба апрель ва июль ойларида тенг миқдорда,

фосфор ва калий кузда ва июл ойида 50% дан солинади. Бу ёзниг иккинчи ярмида ҳосил куртакларининг шаклланишига ҳамда дараҳтнинг қишига яхши тайёргарлик кўришига ёрдам беради. Ер ҳайдалган бўлса, ўғит марказдан қочирадиган НРУ-0,5 сочувчи осма механизм билан сепилади. Фосфор ва калий ўғитларини ерга чуқурроқ 20-22 см. қилиб солиш учун МПВ-1 машинасидан фойдаланилади.

Боғ гўнг шалтоғи, парранда ахлати билан озиқлантирилса яхши самара беради. Бу ўғитларга 5-6 хисса сув қўшиб бир текисда суюлтириб солинади ёки сув улар солиб қўйилган чуқур орқали оқизилади.

Чиринди ва азотга бой тупрокли, оддий шоҳ-шаббали, юмалоқ тупли боғлардаги ерга гектарига 120 кг. азот, 90 кг. фосфор, 45 кг. калий солинади.

С УҒ О Р И Ш

Ҳосил берувчи боғларда қишки яхоб (қовус) сувлари ноябр ойидан март ойи охиригача 2-3 маротаба гектарига 1500-2000 кубометр ҳисобида берилади.

Қатор ораларини сугориш учун 70-80 см. узоқликда 22-24 см. чуқурликда ариқ очилади. Сув 24-36 соат давомида ер яхши захлагунча жилдиратиб, оқизиб қўйилади.

Ёзда сугориш миқдори дараҳтларнинг ёшига, ер ости сувининг сатхига, қатор ораларида етиштирилаётган экинларга боғлиқ бўлади. Боғ сугориладиган бўз ерларда ўсимликнинг ўсиш даврида 4-6 маротаба, шағалли ерларда 10-12 маротаба сугорилади. Сугориш миқдори қатор ораларининг ҳолатига қараб 800-1000 m^3 , шағалли ерларда гектарига 300-500 m^3 дан иборат бўлади.

Ҳосил берувчи баланд бўйли боғда ҳар бир қатор оралиғида 5-6 қатор қилиб олинган ариқлар орқали сугорилади.

Вегетация даврида ер ости қатлами чуқур бўлган қумоқ бўз ерларда боғ ёз пайтида гектарига 800-850 m^3 нормасида 4-5 маротаба, куз (сентябр, октябрь) гектарига 450-500 m^3 нормасида 1-2 маротаба сугорилади. Қишки нам тўплаш суви эса гектарига 1700-2000 m^3 нормасида бир маротаба ноябрь ойида берилади. Боғ мана шундай тартибда сугорилса, ўртacha гектарига бир йилда 6000-6500 m^3 сув сарф бўлади. Сугориш учун ариқлар қатор ораларида дараҳтлар қаторидан 80-90 см. масофада олинади. Ариқлар оралиғи ҳам шундай узоқликда бўлади.

Ер ости шағал бўлган, шунингдек, енгил қумоқ ва қумоқ тупроқли ерларда вегетация сувлари оддий боғларда гектарига 400-450 m^3 миқдордаги сув 8-10 маротабага етказилади. Шунингдек, гектарига 500-600 m^3 миқдорида 2-3 маротаба қишки яхоб суви берилади. Ер ости шағал бўлган ерларда минерал ўғитлар оз-оз миқдорда тез-тез солиниши керак. Чунки, акс холда, сугориш пайтида минерал ўғитлар ювилиб, ернинг чуқур қатламига тушиб кетади. Бу ерларда органик минерал ўғитлар айниқса яхши самара беради. Улар ернинг нам сақлаш ва ҳосилдорлик хусусиятини оширади. Ўғитнинг тахминий йиллик миқдори қуйидагича: гўнг гектарига 20 тн., азот – 120 кг., фосфор – 50 кг., агарда факат минерал ўғитлар солинса: азот – гектарига 240, фосфор – 120, калий – 30 кг. бўлади.

Барча ҳолларда азот ўғити икки-уч маротаба апрель ва июл ойларида

баровар микдорда, фосфор ва калий 50% дан кузда ва июнь-июльйоларида солинади.

МЕВАЛИ ДАРАХТЛАРНИ КЕСИШ ВА УЛАРГА ШАКЛ БЕРИШ

Кучли пайвандтагда ўсадиган ва ўрта ҳолда ўсадиган пайвандтакка улаб ўстирилган мева дараҳтларига шакл беришнинг асосий тартиби – бу ярусли (қаватли) қилиб шакллантиришдир. Республикаизда олма ва нокларнинг кўпчилик навларига нисбатан шу усул қўлланилади. Тўла шакл берилган мева дараҳтлари биринчи қаватда 3-4 дона асосий шохга эга бўлиши керак. Уларни шакллантириш билан бир қаторда иккинчи ва учинчи қават шохлари ҳам қолдирилади. Иккинчи қаватнинг биринчи шохи асосий шохларидан 30-40 см, иккинчи шох биринчи шохдан 25-30 см. масофада қолдирилади. Учинчи қават шохлари ҳам шу тартибда қолдирилади.

3-4 йил шакл берилган ёш дараҳтларни кўп буташ тавсия этилмайди. Чунки бу уларни ўсишини кучайтириб, ҳосил беришини кечиктириб юборади.

Олма дараҳтига тўлиқ ҳосилга киргунга қадар шохларини ўртача қискартирилиб ва сийраклаштирилиб шакл берилади. Бунда бир-бирига соя ва ҳалақит берадиган ҳамма шох ва новдалар олиб ташланиб, дараҳт шох-шаббаси маромида сийраклаштирилади.

Олма дараҳти тўла ҳосил бера бошлаганидан кейин унинг ўсишини ва ҳосилдорлигини сақлаб туриш учун меъёрида буталади. Бунда факат майда шох-шаббасини қалинлаштириб юбориши мумкин бўлган новдалар ва бачкилар олиб ташланади, баъзи янгидан ўсиб чиққан узун новдаларни, ҳосил шохига айлантириш учун қискартирилади. Ҳаддан ташқари йирик шохлар уларни бошқа шохларига тенглаштириш учун қискартириб буталади.

Дараҳтлар ўсишдан орқада қолса (10-15 см.), бир йиллик новдаларнинг нормал ўсишини таъминлаш учун 3-5 ёшли яхши ўслан шохларига тақаб кесилади.

Дараҳт ҳосил қилмайдиган йилда буташ системаси қуйидагича бўлади: шу йили ўсиб чиққан новдалар кўпроқ калталаштирилади, ҳалкасимон мева шохлари сийраклаштирилиб, мураккаб ҳалкасимон новдалар калталаштирилади. Натижада бир йиллик новдаларнинг ўсиши тезлашади, ҳосил куртакларининг шаклланиши сустлашади. Дараҳт ҳосил берган йили: буталмаган бўлса, бу ишни ҳосил берган йили қилиш керак. Бундай холатда новдалар 35-40 см. ўслан эски шохларига тақаб кесилади. Ҳосил куртакларини кўплаб шакллантириш учун ўслан бир йиллик новдалар қискартирилади.

Нок дараҳтларини кесиш худди олмаларни кесишга ўхшашидир. Шунингдек, навлар хусусиятини ҳам эътиборга олиш керак. Кам шохлайдиган, аммо бир йиллик новдалари тез ўслан ва асосий ҳалқали мева шохлари кўп бўлган новдаларни уларнинг узунлигига қараб яrim ёки учдан бири кесиб ташланади. Кўп шохлайдиган ва асосан чивиқсимон новдаларида ҳосил берадиган дараҳтларнинг шох-шаббалари сийраклаштирилади.

Беҳи дараҳтига олма дараҳтига шакл берилганидек, ярусли сийраклаштирилган шакл берилади. Дараҳтнинг кўп йиллик шохларини шакллашда уларнинг бир-бирига мойиллаштириб буташ керак, ўткир бурчакли

бўлиб қолишига йўл қўймаслик лозим.

Дарахт тўла ҳосилга киргач, новдаларнинг ўсиши кескин камаяди ва мева бериш калта шохларига ўтади. Бу даврда ҳосилли шохларнинг ҳаддан ташқари қўпайиб кетишининг олдини олиш учун пастроқда жойлашган ҳосилли шохга тақаб шох қискартириб кесилади.

Ўсиш сустлашган чоғда (охирги навдалар 25-30 см.дан қиска бўлса) 3-4 йилда бир маротаба 2-3 йиллик шохларига тақаб шох-шаббаларини яшартириб каллакланади.

Дарахт кесиклари 3 см. дан катта бўлса, кесик албатта боғ малҳами (канифоль, асалари мўми, ёғ) ёки бўёқ билан бўялади. Бу татбир дарахтга қорасон касаллиги тушиб кетишдан сақлайди.

Данакли мева дарахтларининг шохларини мустаҳкам шаклланиши, ўсиши ва ҳосил беришини тартибга солиш, ҳосилдорлик ва мева сифатини яхшилаш учун буташ зарур. Ҳар бир данакли мева дарахтининг тури ўзига хос шакл берниш ва буташни талаб қиласиди.

Данакли мева дарахтлари кўпинча 3-4 ёшида ҳосилга киради, эскироқ шохларда шаклланган ҳосил новдалари эса уруғлиларга нисбатан унча кўп яшамайди, натижада шохлар ичи тезда бўшлиқга айланади. Бунга йўл қўймаслик учун буташ йўли билан ҳар йили кўплаб бир йиллик новдалар ўсиб чиқиши ва уларни шохлар орасига тўғри жойлаштириб, ҳосил тугишига эришиш зарур. Шохлар буталганда бир йиллик новдалар сони қўпаяди ва агар у ёруғда жойлашган бўлса, мева шаклланишига кўмаклашади.

Ў Р И К

Дастлабки йиллари тез ўсади, баъзан эса муддатидан олдин ён шохлари пайдо бўлади. Улар бир ёшида ҳам мевага кириши, калта ҳосил шохчаларида мева тугиши мумкин.

Гул куртаклари кучсиз ва ўртача новдаларда учи яқинида, кучлиларида эса бутун узунлиги бўйлаб пайдо бўлади. Калта шохчалар тананинг турли қисмида ўсиб чиқиб, узоқ яшамаслиги билан ажралиб туради. Уларнинг ҳосил берниш муддат чегараси 3-4 йил. Аста-секин ёши катталапшиши билан асосан йил сайин камайиб борувчи бир йиллик шохларига уйгунлашади.

Ўрикка шакл бернишнинг яхши усули қаватлаб сийраклатишdir. Биринчи қаватда иккита шох қолдирилиши мумкин, кейинги шохлар бир-биридан 30-35 см. масофада жойлаштирилади.

Кўчат ўтказилгандан кейинги дастлабки 2-4 йилларда ўрик шохлари тиккасига кучли ўсиб, кам шохлайди. Шунинг учун ҳар йили биринчи йилдан бошлаб баҳорда сийраклаштиришдан ташқари, тананинг давоми бўлмиш бир йиллик новдалар кескин қискартирилади.

Ёши катта дарахтларнинг (15-20 ёшли) 2-3 йиллик (ён шохлари) шохлари кирқилиб кучлироқ ёшартирилади. Янада қарироқ ёки ўсишдан қолаётган дарахтларнинг 5-7 йиллик шохлари кирқилиб ёшартирилади.

Тошлиқ ерларда ўриклар 12 ёшидаёқ озроқ 2-4 йиллик шохлари, 17-20 ёшида эса 5-6 йиллик қалин шохлар ва шаббалар кесиб ёшартирилади. 30-35 ёшида 7-8 йиллик шохлар кирқилади.

ОЛХҮРИ

Тез ўсиб ривожланувчи мевали дарахт туридир. У қанчалик тезпишарлигига қараб ўтказилгандан кейин 3-4 ёки 5-6 йили ҳосилга киради. Ўтказилгандан кейинги дастлабки 5-6 йилда пастки қисми яланғоч қолмаслиги учун шохларга сийраклаштириб ёки қалталаштириб шакл берилади.

Тез ўсуви учбурчаксимон шохловчи навлар (Венгерка домашня, Самаркандинский Чернослив ва бошқалар)нинг ёнидан чиқсан биринчи қатордаги асосий новдалари қирқилади. Бу шохларнинг кенгайиши ва пасайишига имкон беради.

Тарвақайлаган шохли паст бўйли дарахтларнинг новдалари сийраклаштирилади. Новдалар фақат ўсишини тартибга солиш учун буталади. Олхўри ҳам бошқа мевали дарахт турлари каби асосий танадан ёнга ўсган шохлар шакллангандан сўнг кесилиб бўйига ўсиши чегараланади.

Мевага кирган даврда новдалар ички қисмига яхши ёруғлик тушиши учунгина буталади. Барча холларда биринчи навбатда касал, куриган, чириган новдалар кесиб ташланади. Бу даврда фақат узун (50-60 см.) ва осилган новдалар буталади. Асосий шохлари ўсишдан тўхтагач (15-20 см. гача), дарахтни ёшартириш учун 2-3 ёшли шохлари қисқартирилади. Қарироқ дарахтлар янада купроқ ёшартирилади. Қулай шароитларда олхўри 20 ёш ва ундан ҳам кўпроқ ёшгacha энг юқори ҳосил беради.

ГИЛОС

Баланд ўсиши ва кам шохланиши билан ажралиб туради. Дарахтга сийраклатиш қаватлаш усулида шакл берилади, ён шохлари 2-3 қават қилиб қолдирилади. Куртак унишини ошириш ва новдаларнинг яланғочланишини камайтириш мақсадида асосий шохлардаги ўқ новдалар қисқартирилади. Бу усул ёшлигига ва мева тузиш даврида бутаб шохларга шакл беришда қўлланилади.

Ёш дарахтларда янги новдалар 40-50 см.га етганда учини чилпиш яхши натижа беради. Қисқартириш ва чилпиш шохларга мужассамлик бағишлиади ва бўйга ўсуви ҳамда гул новдалари чиқишига имкон яратади. Кўп шохлайдиган навларнинг фақат узун (50 см.дан ортик) новдалари қисқартирилади. Гилос шохларига шакл беришда дарахтларнинг бўйига ўсиши ва ёнга тарвақайлаши кескин чекланади. Агар шох учларининг ўсиши сусайган бўлса, 2-3 ёшли шохлар қисқартирилади.

Дарахтларнинг қариш даврида 4-5 ёшли шохлари кесилиб кўпроқ ёшартирилади.

ОЛЧА

Олчани буташга бошқа меваларга нисбатан камроқ аҳамият берилади. Зарур холда зичлашиб кетган шохлар сийраклаштирилади ва синган, касал, қуриётган новдалар буталади.

Ўсиши сусайиб (10 см.гача) ва ҳосили камайиб қуриётган даврида туп холатига қараб 3-5 ёшли ва ундан каттароқ шохлари кесилиб ёшартирилади:

ШАФТОЛИ

Шафтолини буташ унинг жуда ёруғлик севиши, кучли ўсиши ва ниҳоятда сершохлиги ва асосан ўтган йилги новдаларида ҳосил куртаклари чиқариш хусусиятлари билан боғлиқ. Шохлари тез ўсиб, кўплаб новдалар ва бачкилар чиқаради, улар узоқ яшамай, тезда қурийди, таналари яланғочланади, сиртки шохлар кўпроқ ҳосил беради. шунинг учун данакли мева дараҳтлари орасида шафтолини кучли буташ талаб қилинади.

Шафтоли одатда, унга танасининг бўйи 40-50 см.лик бўлганда косасимон қилиб шакл берилади. Аммо, баланд ўсган дараҳтлар мўл ҳосил берганда косасимон шакллилари кўпинча синиб кетади. Шунинг учун биринчи қатордаги 3-4 новдадан иборат танада бир-биридан 10-15 см. оралиқда текис жойлашган (яъни қўшилган куртаклардан иборат бўлмаган) яхшиланган косасимон шакл тавсия этилади.

Шафтоли кўчати ўтказилиши билан кучли буталади. Пастки ён шохлари 30-35 см. қолдириб, 2 чиси бирмунча кучсизроқ 15-20, 3-чиси (4 чиси) 10-15 см. қолдириб кесилади. Барча ортиқча шаклланишга ҳалакит бериб, ички қисмга соя берувчи шох-шаббалар ҳалласимон қилиб олиб ташланади. Агар 2 чи қаторда йуғон новдалар бўлса, улар ҳам қирқилади.

Дастлабки 2-3 йил ҳар йили бачки новдалар 1/2-1/3 га қисқартирилади ва шохлар сийраклаштирилади.

5-6 ёшлигига буташда аралаш новдалар қолдирилади, улар дараҳтни ёшартириш учун эски она шохларни алмаштиришга керак бўлади. Шу мақсадда биринчи ёки иккинчи қатор ён шохлари буталади. Кесилган жойидан, одатда кучли новдалар ўсиб чиқади, улар яхши парваришланса, иккинчи йили ён шохларни алмаштирувчи мевали шохга айланади. Ён шохларни бундай алмаштириш 8-9 йилда шохлар туби яқинида мева туга бошлайди.

Мева ҳосилдорлигини оширишда, махсулотни юқори кўтаришда, сифатини яхшилашда асосий шартлардан бири, илмий асосланган турларни тупроқ иқлим шароитига жавоб берадиган мева тури ва навларини худудлар бўйича жойлаштиришдир.

Ўзбекистон бир нечта асосий тупроқ худудларига эга, бу бўз тупроқлар, шўр тупроқлар, шағалли ва қумли ерлар, тоғ ва тоғ олди ерлардаги худудлар.

Боғдорчиликни ривожлантиришда, тупроқ иқлим шароитларини ҳисобга олган холда боғдорчилик худудларига қуидаги мева турларини жойлаштириш тавсия этилади.

Андижон вилоятида: Андижон ҳудудига – ўрик, шафтоли, олхўри, Хўжаобод ҳудудига – олма, нок, бехи, олхўри меваларини экиш тавсия этилади.

Бухоро вилоятида: олма, ўрик, олхўри.

Жizzах вилоятида: олма, нок, шафтоли, олхўри, тоғли ҳудудларида олма, бодом, ёнғоқ.

Қашқадарё вилоятида: олма, ўрик, олхўри, бодом, Китоб, Шахрисабз ҳудудида олма, нок, олхўри, анор.

Навоий вилоятида: олма, нок, ўрик, олхўри, шафтоли.

Наманган вилоятида: олма, нок, ўрик, шафтоли, олхўри, анор, хурмо, Янгиқўғон ва Чорток тоғли ҳудудларида: олма, нок, ўрик, шафтоли, олхўри,

ёнгоқ, бодом.

Самарқанд вилоятида: олма, нок, ўрик, шафтоли, олхўри, гилос, ёнгоқ, Тоғ олди: Ургут худудида олма, нок, олхўри. Каттакўрғон худудида: олма, нок, шафтоли, олхўри.

Сурхандарё вилоятида: Термез худудида: олма, ўрик, олхўри шафтоли, анор, хурмо, ёнгоқ, бодом; Денов тоғ олди худудида – олма, нок, ўрик, шафтоли, олхўри, анор, хурмо, анжир, ёнгоқ, бодом;

Сирдарё вилоятида: Мирзачўл худуди – олма, шафтоли, олхўри, анор;

Ховост худудида: олма, нок, олхўри, ёнгоқ.

Тошкент вилоятда: Тошкент худуди – олма, нок, беҳи, шафтоли, олхўри, гилос; Бўйтонлиқ худудида: олма, нок, олхўри, ёнгоқ, бодом. Паркент худудида – олма, нок, олхўри, гилос, олча, ёнгоқ. Охангороң худудида – олма, олхўри, ёнгоқ.

Фарғона вилоятида: ўрик, шафтоли, олхўри, олма, ёнгоқ, бодом.

Тоғ – тоғ олди худудида – ўрик, шафтоли, олхўри, олма, нок, ёнгоқ, бодом. Қўқон худудида – олма, ўрик, шафтоли, олхўри, гилос, анор.

Хоразм вилоятида: олма, нок, ўрик, олхўри, шафтоли.

Қорақалпоғистон Республикасида: олма, нок, олхўри, ўрик меваларини экиш тавсия этилади.

БОҒЛАРНИ ЗАРАРКУНАНДА ВА КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ

Мева боғларининг маҳсулдорлигини оширишда асосий омиллардан бири касаллик ва заракунандалардан ўз вақтида ва сифатли ҳимоя тадбирларини бажаришдир. Охирги йилларда заракунанда ва касалликлар боғларга катта путур етказмоқда.

Уруғли мева боғларига заракунандалардан калифорния ва гунафша ранг қалкондорлар, олма қурти, гилофли ва гирдак куялари, мева күяси, нок шира бургаси, мева қўнғир рангли ва ўргимчак канаси, бир қанча шира турлари ва тоғ ва тоғолди минтақаларда калмараз, ун шудринг касалликлари кенг тарқалган. Охирги йилларда монилиоз касаллиги ҳам кенг тарқалмоқда.

Ўзбекистонда боғ ва токзорларни ҳимоялаш тадбирлар тизими асосан агротехник ва қискартирилган кимёвий кураш чораларининг омухталиги билан характерлидир.

Шу асосда боғ ва токзорларда, уларнинг парвариш даражасига боғланган холда, эҳтиёжга қараб, 2-Здан то 4-5 маротаба пуркаш ишлари ўтказилади.

Калифорния, гунафша ранг қалкондорлар, нок шира бургаси, каналар ва бошқа заракунандаларнинг захираларига қарши олма, нок ва беҳизорни эрта баҳорда куртаклар ёзилгунга қадар 5% ли (1 гектарга сарфи 60-100 кг.) № 30 препарати билан пуркалади. № 30 препарати бўлмаса, шу даврда золон ёки карбофос препаратларини 0,6-0,8%- лигини кўлласа ҳам бўлади.

Данитол, Фуфанон препаратлари (1 гектарга сарфи 1,5-3 кг.) ҳам самаралидир.

Нок шира бургасига қарши нокзорлар гуллаш арафасида шу препаратлар билан такрор дориланади.

Олма қурти республикамизнинг ҳамма миңтақаларида тарқалган ҳавфли заракунандадир. Кураш чоралари олиб борилмаса олма меваси 80-90% гача тўкилиб кетади.

Олмазорларни меваҳўр қуртидан ўз вақтида ҳимоя қилиш мақсадида зараркунанда капалагининг учиш муддати аниқланиб турилади. Баҳорда биринчи капалакнинг учиш даври олманинг Ренет Симиренко, Голден Делишес навлари гуллаб бўлган вақтга тугри келади. Иккинчи авлод берадиган капалакнинг оммовий учиш даври олма гуллагандан 45-47 кун, учинчи авлодиники эса 92-96 кундан кейин бошланади.

Тоғ ва тоғолди шароитида ёз анча салқин бўлади. Шунинг учун биринчи авлод берадиган капалагининг учиш даври олманинг Ренет Симиренко нави гуллаб бўлгандан 10-12 кун кейин, иккинчи авлод капалагининг учиш вақти эса 55-60 кун ўтгач бошланади.

Дорилаш муддатларини феромонли тузоқлар билан ҳам аниқласа бўлади. Тузоқлар 3-5 гектарга 1 тадан илинади. 5 кун ичидаги ҳар бир тузоқ билан ўртacha 5-10 тадан капалак тутилса, ўша боғда ишловлар бошланади.

Дорилаш ишлари олманинг ривожига қараб белгиланганда биринчи пуркаш Ренет Симиренко навли олма гуллаб бўлгандан сўнг ўтказилади, 12-15 кундан кейин такрорланади. Учинчи дорилаш олма гуллагандан бир ярим ой кейин эрта пишиб етиладиган Жоноқи, Самарқанд тўнгичи, Тошкент баровинкаси каби навлар факат икки маротаба дориланади.

Кўрсатилган муддатларда қўйидаги препаратлардан бири қўлланилади: Карбофос ёки золон (бензофосфат) ёки БИ-58 (100 л. сувга 200-300 г., 1 гектарга 2-4 л.), ёки Карапе (100 л. сувга 30-40 г., 1 гектарга 0,4-0,8 л.) ёки Донитол, Фуфанон (100 л. сувга 100 г., 1 гектарга 1,5-3,0 л.), Децис, Суми-альфа, Талстар препаратлари ҳам самаралидир.

Бордию боғларда мева каналарининг кўпайиш ҳавфи бўлса, бунда юқоридаги пуркашларда каналарга қарши қўлланиладиган препаратлардан (хўлланиладиган олтингугурт, омайт) қўшиб омухта қилиб пуркалади.

Ҳаваскор боғбонлар томорқа шароитида кўрсатилган муддатларда карбофос ёки бензофосфат (золон) препаратини 10 л. сувга 20 г. солиб пуркашлари мумкин.

Тамаки қайнатмасидан ҳам фойдаланилса бўлади. Бунда 1 кг тамаки чиқиндиси 10 л. қайноқ сувда бўқтирилади ва 1 суткадан кейин сузиб олиниб, 2 баробар сув қўшилади. 10 л. қайнатмага 40-50 г. совун қўшиб ишланади.

Дараҳтларга тутқич белбоғлар боғлаб йиғилган қуртлар йўқ қилинса химикатларни камроқ ишлатиш имкони туғилади. Белбоғ олма гуллагандан 15-20 кун кейин боғланади. Ҳафтада бир маротаба ечиб, тўпланган қуртлар йўқ қилингач яна боғлаб қўйилади. Шунингдек, тўқилган олмалар кечқурун (эрталаб эмас) териб олиниади. Уларда учраган қуртлар қириб ташланади. Белбоғлардан август ойигача фойдаланилади.

Мева каналари. Мева дараҳтлари, айниқса олмага кўп заарар етказади. Кана баргнинг ширасини суради, натижада барг қовжирайди, қўнғир тусга киради, кейин тўкилади. Оқибатда дараҳт ривожланишдан қолади.

Барглар ёзилгунга қадар қалқондорларга қарши ўтказиладиган тадбирлар

мева каналарига қарши ҳам самаралидир.

Бордию бу тадбир ўтказилмаган бўлса, каналарга қарши кураш тадбирларини олма қуртига қарши ишлов бериш билан биргаликда олиб бориш мумкин. Қуртга қарши тайёрланган иш суюқлигига намланувчи ёки каллоидли олтингугуртни 100 л. сувга 0,6-1 кг. ҳисобидан қўшилади ёки бўлмаса Данитол, Омайт, Неорон препаратларини 100 л. сувга 150 г. ҳисобидан қўшиш мумкин. Оҳак- олтингугурт қайнатмасининг 1^0 -лиги ҳам самаралидир. Бофларни туйилган олтингугурт билан чанглатса ҳам бўлади.

Нок дараҳтига асосан нок барг бургаси, нок шира бити ва олма қурти кўп зарар келтиради.

Нок барг бургаси (шира бургаси) нокнинг энг ҳавфли зааркунандаси ҳисобланади. Бурга ва унинг личинкалари куртак, барг, новда ва меваларнинг ширасини сўради, ҳамда шу билан бирга ўзидан ёпишқоқ ширин суюқлик шира ажратади. Зааркунанда кўпайган даврда дараҳтлар ёпишқоқ нок бургаси чиқиндилари билан қопланади, барглари қораяди ва тўкилиб кетади. Мевалар қаттиқ бўлиб қолади, дараҳтлар заифлашади, келгуси йил ҳосили камаяди.

Кураш чоралари. Нок шира бургасига қарши эрта баҳорда қалқондорларга тавсия этилган тадбирларни қўллаш самарали натижса беради. Мавсумда олма қуртига қарши ўтқазиладиган туркашлар нок дараҳтларида ҳам ўтқазилади.

Томорқа шароитида хашорот кўпая борса карбофос ёки бензофосфат, золон (10 л. сувга 20 г.) ёки бўлмаса тамаки қайнатмасидан фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистон шароитида нок мевасини олма қурти кўп шикастлайди. Шунинг учун кураш чоралари олма дараҳтида қандай олиб борилса, нок дараҳтида ҳам шундай амалга оширилади.

Олма ва нокнинг парша касаллиги (калмараз)

Касаллик серёғин, салқин тоғ ва тоғолди шароитларида анча тарқалган. Замбуруғ барг, гул, мева ва ёш новдаларни заарлайд Уларда тўқ жигарранг, деярли қора рангли доғлар пайдо бўлади. Заарланган новда ва мевалар шакли ўзгаради, ёрилади. Гул ва барглар тўкилади. Касаллик юкуми тўкилган баргларда, нокда эса новдаларда қишлияди.

Ўзбекистон шароитида кўкламда ёғингарчилик кўп бўлган йилларда қўтирилган касаллиги авж олади.

Кураш чоралари. Ҳимоя тадбирларини кузда-барглар ёппасига тўкилиши даврда ёки эрта баҳорда дараҳтлар барг ёзишдан аввал ўтказиши тавсия қилинади. Бу даврларда бордо суюқлигининг 3%-лиги (100 л сувга 3 кг. мис купороси ва 3 кг. сўндирилмаган оҳак) сепилади. Унинг иложи бўлмаса темир купороси (100 л. сувга 2-3 кг.) ёки мис купороси (100 л. сувга 1 кг.) сепилади. Мавсумда туркаш ишларини тақрорлаш керак:

Дастлабки ишлов бериши куртаклар ёзила бошлагандаги ўтқазилади ва у пайтда бордо суюқлигини 1%-лиги (100 л. сувга 1 кг. мис купороси ва + 1 кг. оҳак ёки 1 градусли оҳак-олтингугурт қайнатмаси, ёки Вектра 100л. сувга 30 г. ёки Сапроль 100 л. сувга 100 г.) солиб туркалади. Ёғингарчилик бўлиб турса, кейинги туркашлар олма қуртига қарши кураш билан биргаликда амалга

оширилади.

Беҳи дараҳтларига асосан олма қурти ва монилиоз касаллиги кўп зарар келтиради. Беҳи гулдан чиққач мевасининг сирти жуда сертуқ, эти қаттиқ бўлади. Шу сабабли беҳи олма қуртининг биринчи авлодидан деярли заарланмайди. Аммо олма қуртининг кейинги авлодлари жуда жадал ривожланади. Натижада беҳи меваси қурт билан кўп заарланади.

Кураши чоралари. *Беҳи дараҳтлари зааркунанданинг иккинчи ва учинчи авлод қуртларига қарши дориланади.*

Биринчи пуркаш олма дараҳтлари гуллагандан 45-47 кун ўтгач июннинг ўрталарида ўтқазилади. 12-15 кундан сўнг тақрор дориланади. Учинчи дорилаш эса июннинг охирида ёки августнинг бошларида амалга оширилади. Бунда олма ва нок дараҳтида олма қуртига қарши ишлатиладиган препаратлардан бири қўлланилади.

Монилиоз (монилиал куйиш), бу касаллик охирги 4-5 йилда кенг тарқалди. Беҳининг мева тугунчалари ва барглари тукли бўлгани учун ёғингарчиликдан ва шудринг тушишдан кейинги нам кўпроқ сақланади ва замбуруғнинг авж олиб ривожланишига қулай шароит туғдиради. Натижада гул ва мева тугунчалари кучли шикастланади ва қуриб қолади.

Кураши чоралари. Эрта баҳорда куртаклар бўртиши арафасида ёки кузда дараҳтларни 3-4%-ли бордо суюқлиги билан жиққа хўллаб ювии зарур. 5 градусли охак-олтингугурт қайнатмаси (ИСО) ёки 3%-ли темир купоросини қўлласа ҳам бўлади.

Дараҳтлар гуллар арафасида ва гулдан чиққач 1%-ли бордо суюқлиги билан тақрор 1-2 марта дориланади. Топсин-М препаратини 0,1%-ли қилиб сепиш ҳам самаралидир.

Беҳи гулдан чиқиб, заарланган мевалари ва новдалари аниқ бўлгач (гуллагандан сўнг 15-20 кун ўтгач) барча шикастланган мевали новда ва шохлар кесиб олиниб куйдириб ташланади. Заарланиб тўқилган барглар ва мева тугунчалари дараҳт атрофини 20-30 см. чуқурликда ағдариб чопии йули билан йўқ қилинади.

Данакли мева дараҳтлари бир қатор ширалар, қалқондорлар ва сохта қалқондорлар, олхўри қурти, касалликлардан клястероспориоз, гоммоз (елим чиқиши) монилиал куйии ва шафтолининг барг бужмайшидан кўп шикастланади.

Олхўри қурти олхўри, тоғолча мевасини кўп заарлайди. Қурт тушган мевалар пишиб улгурмасдан тўқилиб кетади ва истеъмолга ярамайди. Тухумдан чиқкан қурт мевани тешиб киради. Кемириб ичкарига кирган жойда елим ҳосил бўлади. Иккинчи авлод берадиган капалаклар олхўри гуллаб бўлгандан 1,5-2 ой кейин учади. Иккинчи авлод қуртлари «Исполинская» каби кечпишар навларни кучли заарлайди.

Кураши чоралари. *Дараҳт илдиз бугизининг атрофи ва дараҳт қатор оралари ағдариб чопилади. Дорилаш дараҳт гулдан чиққандан икки ҳафта кейин ўтқазилади. Иккинчи маротаба эса биринчи дорилашдан 1,5-2 ой ўткандан кейин туркалади. Олма қуртига қарши мўлжсалланган препаратлар қўлланилади.*

Соҳта қалқондорлар олхўри, тоғолча, гилос, шафтоли дараҳтларини кучли шикастлайди. Май ва июн ойларида дараҳтларни шира босиб кетади. Личинкалари новда, шоҳ ва барг ширасини суради. Натижада новдалар ва шоҳлар қуриб қолади.

Кураши чоралари. Уларга қарши курашида қалқондорлар учун тавсия қилинган эрта баҳорда ўтказиладиган кураш тадбирлари қўлланилади. Бу жараёнда зарарланган дараҳтларни озиқлантириши ва сугориши ишларига кўпроқ эътибор берилади. Дараҳтлар гулдан чиққандан кейин дархол олма ва олхўри қуртига қарши тавсия этилган препаратлар қўлланилади.

Ўрик дараҳтларида **клястероспориоз** кўп зарап келтиради. Шафтоли, олча, бодом, гилосни камроқ шикастлайди. Шоҳ-шаббалари қалинлашиб, мевага кирган ўрик дараҳтлари бу касалликдан кўпроқ зарарланади. Баргнинг зарарланган жойидаги тўқималар тўкилиб кетади ва тешикчалар ҳосил бўлади. Меваларда эса қўнғир тусли шишлар пайдо бўлади, елим чиқади. Касалланган куртаклар қуриб қолади. Новдаларнинг пўсти ёрилиб кетади ва елим чиқаради, гуллари тўкилиб кетади.

Кураши чоралари. Ўрик дараҳтларига кузда ва келгуси йил эрта баҳорда гул куртаклари бўрта бошлиган даврда 3%-ли бордо суюқлиги пуркалади. Дараҳтлар гулдан чиққач бордо суюқлиги 1% қилиб сепилади. 8-10 кундан сўнг пуркаш тақорланади.

Шафтоли ва олхўри дараҳтларига эрта кўкламда куртаклар бўртишидан олдинроқ бир марта 3%-ли, бордо суюқлиги пуркалади. Гулдан чиққач 1%-ли бордо суюқлиги 1-2 марта сепилади. Бу тадбирлар шафтолининг барг бужмайиши касаллигига қарши ҳам самаралидир. Мавсумда Топсин-М, Вектра, Топаз препаратларини қўлласа ҳам бўлади.

ИНТЕНСИВ БОҒЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Республикамида жорий йилнинг баҳорида жуда катта майдонда янги боғ ва токзорлар барпо этилди. Эски боғ-токзорлар қайта таъмирланди. Ана шу янги боғ-токзорларни тўлиқ кўкартириб олиш асосий вазифаларимиздан биридир.

Янги боғлар ташкил этишда интенсив, тез ҳосилга кирувчи пакана ва ярим пакана пайвандтагларга уланган мевали дараҳтлари қўчатлари экилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилда республикамиз вилоятларида 2,4 минг гектар майдонда интенсив боғлар ташкил этилди.

Интенсив боғларни афзаллиги бу дараҳтларнинг танаси кичик бўлганлиги учун улар билан ишлаш қулай (ишлов бериш, суғориш, кесиш, шакл бериш, дори сепиш ва мевани териш). Бундай боғларда танасига ёруғлик тушиши, хаво айланиши яхши бўлганлиги учун мевасини сифати юқори бўлади. Мевасини теришда ҳам анча қулайликлар бор, айниқса симбағазга олинган боғларда нарвон ишлатмасдан ҳосил терилади, бунда иш унумли, юқори бўлиши билан бирга терилган маҳсулотнинг товар сифати ҳам юқори бўлиб, нобуд бўладиган мевалар сони камаяди.

Интенсив боғларнинг ҳосилдорлигининг юқорилигини таъминлашда,

тупроқни доим озиқлантириб туриш зарур. Бунинг учун ҳар йили 30-40 тн. чиринди, 240-260 кг. азот соф ҳолда, 120-150 кг. фосфор соф ҳолда ва 60-70 кг. калий соф ҳолда солиб турилади.

Ушбу агротехник жараёнлар ўз вақтида ўтказилса, ҳар бир гектар майдондан 4-5 йили 50-60 тн. ҳосил олишга эришилади.

Маълумки, бизнинг иқлим шароитимизда пакана пайвандтагларга уланган қўчатларнинг турлари ва навларига қараб, парвариш ишларини олиб боришлари талаб этилади.

Интенсив мевали боғларни ташкил этиш ҳамда уларни парвариш қилиш учун куйидагилар тавсия этилади.

1. Кўчат экиш учун майдонни тайёрлаш

Кузда кўчат экиш учун танлаб олинган майдон плуги билан 50-60 см. чукурликда хайдалган бўлиши керак. Агарда майдон хайдалмаган бўлса, баҳорда 35-40 см. чукурликда ер хайдалиб, текисланиб, кўчат экиш учун режа тортилади. Режа тортишда экиладиган кўчат турларига қараб, пакана пайвандтагга уланган олма кўчатлари 3,5 x 2,5 м., ўрта ўсуви 3,5 x 3 м., нок кўчатлари учун 3,5 x 2 м., ўрта ўсуви 3,5 x 2,5 м. ММ-106 пайвандтагга уланган ўрта ўсуви кўчатларда олма 6 x 4 м., 6 x 5 м., нок учун 5 x 3 м., 5 x 4 м. схемалари тавсия этилади.

Олинадиган ҳосилдорликни миқдори фақат нав ва пайвандтагдан, агротехника савиясидан эмас, балки ўсимликларнинг қатор ораси ва дарахт оралиғига ҳам боғлиқ.

Майдонда қанча кўчат кўп бўлса, ҳосил шунча кўп бўлади, лекин дарахтларнинг жойлашиш зичлигининг ҳам чегараси бор. Бу дарахтларнинг ҳажмига ва қатор ораларининг техника билан ишлов бериш даражасига ҳам боғлиқ. Ҳосилни сифати ва миқдорига дарахт танасига тушадиган ёруғликни сифати ва миқдорига ҳам узвий боғлиқ.

2. Кўчат экиш

Кўчат экиладиган чукурларни чукурлиги ва кенглиги 60 x 60 см. бўлиб, чуқур қазишда тупроқ устининг 20-25 см. қисми чуқурнинг бир томонига олиб, чуқурнинг қолган қисми иккинчи томонга олиб қўйилади. Чуқурга кўчат экишдан олдин 350-400 г. фосфорли, 30-40 г., калий ўғити ҳамда 8-10 кг. чириган гўнгни тупроқ билан аралаштириб солиб, кейин кўчат экилади.

Кўчатни экишдан олдин алоҳида тайёrlанган шатмоқقا (янги мол гўнги тупроқ билан 1: 1 қилиб қаймоқсимон қилиб тайёrlанади), ботириб олиб экилади. Кўчат чуқурга қуилиб, олдин олинган тупроқ чуқур тагига солиниб, илдиз пайванд қилинган жойи тупроқдан 4-5 см. юқорида бўлиши керак. Кўчат экилгандан сўнг ҳар бир чуқурга тўла сув қуилади. Бунда тупроқ зичланиб, кўчат яхши қўкаради. Тупроқ чўккандан сўнг кўчат атрофига тупроқ солиб тўлдирилади.

3. Кўчатларни парваришлаш

Экилган кўчатлар вегетация даврида кўчатларнинг атрофлари қатқалоқ бўлиб қолмаслиги учун юмшатиб турилади. Тупроқ шароитига қараб, 10-12 дан 16-20 мартағача сув берилади. Ҳар сугоришдан сўнг тупроқ культивация қилинади. Зарурият бўлган вақтда ёш ниҳолларнинг касаллик ва

зааркунандаларига қарши ишлов берилади.

Янги экилган күчатларни дастлабки даврида сув билан таъминлашга катта эътибор бериш зарур. Күчатлар тўлиқ кўкариб кетиши учун (агар томчилатиб суғориш системалари ишга тушмаган бўлса) кўчат атрофини айланга шаклида ариқ олиниб, ариқ тўлгунча сув қуиши лозим ёки ариқ орқали суғорилса, кўчат атрофидан сувни айлантириб ўтказиб суғориш зарур. Об-ҳаво ва тупроқ шароитига қараб ёш боғларга йил давомида 12-20 маротабагача сув берилади. Кўчатлар атрофини қатқалоқ бўлиб қолмаслиги учун хар сувдан сўнг 10-12 см. чуқурликда юмшатиб турилади.

Ёш боғларни касаллик ва зааркунандаларга чидамлилик даражаси анча паст бўлади. Шунинг учун буларни олдини олиб ёки зарурият туғилган ҳолда кураш чораларини қўллаш зарур.

4. Шакл бериш

Ўзбекистон шароитида пакана пайвандтагда экилган интенсив боғларда кўчатларга 60 см. юқоридан кесилиб, шакл берилади. Четдан келаётган кўчатларни веретино шаклида, яъни асосий лидер новда қолдирилиб, ёнига кўпроқ новда беришга қаратилинади, яъни шохлатилади. Шакл беришда кўчатнинг асосий лидер шохидаги штамби учун 50 см. қолдирилиб, ундан юқорисига 8-10 кўз қолдирилиб, ундан сўнг яна шип 3 та кўз қолдирилиб, ортиқаси кесилади.

Келажакда етарли шохлаши учун 50 см. танасидан юқорида жойлашган 3 кўз ойсимон шаклида (кўчат кўчатхонасида шохламаган бўлса) кўзни ўсиши кисмидан кербовка (кесиш) қилинади ва яна учта кўз ташлаб яна учта кўз тўғри чизим шаклида кербовка қилинади. Бу жараённи кўчат яхши ўса бошлаган даврида қилса яхши натижа беради. Шохланган шохлар июль-август ойларида 90⁰ экилади ва боғланади. Ёш ўсган новдаларда мева куртакларини ҳосил қилиш мақсадида улар маълум вақтида чилпиб (чеканка) турилади. Бу усул мева куртакларини кўпроқ ҳосил бўлишини таъминлайди.

5. Темир бетон устунлар ўрнатиш ва сим тортиш

Экилган кўчатларни биринчи йилни ўзида симбағазларга боғлаб, парвариш қилиш учун темир бетон устунлар ўрнатилинади. Экилган кўчатларни схемасига қараб, бир гектар майдонга қатор ораси 3 м. бўлса, 429 дона, 3,5 м. – 370 дона, 4 м. бўлганда – 325 дона темир бетон устун сарф бўлади. Рухланган 2,5 мм. қалинликдаги симдан 450-600 кг. сарфланади.

6. Кўчатларни симбағазларга боғлаб парвариш қилиш

Янги экилган олма, нок боғларига темир бетон устунлар ҳамда сим тортилгач, кўчатларнинг новдалари симларга боғлаб чиқилади ҳамда келажакда новдалар ўсиб, ривожланиши учун парвариш ишлари олиб борилади.

7. Ўғитлаш. Ёш экилган кўчатлар яхши ривожланиб, ўсиши учун апрель ойининг иккинчи ярмида ҳар бир кўчат атрофига 100-120 г.дан азотли ўғит солинади. Иккинчи марта июнь ойида шунча миқдорда яна азотли ўғит солинади.

Томчилатиб суғориш системаси мавжуд бўлган боғларда барча минерал озуқаларни сув орқали топчилатиб бериш мақсадга мувофиқдир. Бунда ўғитни ўзлаштириш самарадорлиги анча юқори бўлади.

Ёш пакана пайвандтагли боғлар орасига биринчи йили сабзавот, полиз, картошка экинлари экиш мумкин. Иккинчи йилдан ушбу экинлар экиш тавсия этилмайди. Чунки боғ қатор орасига ишлов берилиши сабабли экинлар экилмайди.

Биринчи йили ёш күчатлар қиши яхши тайёрланиши боис сентябрь ойининг иккинчи ярмидан сугориш тавсия этилмайди.

Октябрь-ноябрь ойларида ёш ниҳоллар ораси ҳамда күчатларнинг қатор ораси чопилиб, юмшатилади, бегона ўтлардан тозаланади. Тупроқда намлик яхши сақланади.

Кузда ноябрь ойида фосфорли ҳамда калий ўғит, яъни гектарига 90 кг., фосфор 45 кг. калий ва 20 тн. органик ўғит солиниб чопилади.

Янги экилган интенсив боғлар иккинчи йилдан бошлаб ҳосилга киради, 4-5 йили тўлиқ ҳосил бера бошлайди.

ТОКЗОРЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

ТОКЗОР МАЙДОНИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ

Токзор барпо этишдан олдин майдонни танлаш, тошлардан тозалаш керак. Механизмларни ишлаши ва токзорларни сугоришда яхши шароит яратиш учун нотекис майдонлар текисланади. Ери тайёрлаш бўйича ишлар бульдозер, скрепер, грейдер ва бошқа мелиоратив механизмлар ёрдамида ўтказилади.

Сизот сувлар юза жойлашган шўрхок ерларда улар сатҳини пасайтириш учун вертикал ёки горизонтал зовурлар қурилади. Кучли шўрланган ерлар дастлаб яхшилаб ювилади. Ён бағирнинг тикилиги 10° дан ортиқ бўлган тоғли худудларлар террасер, бульдозер, грейдерлар билан террасаланади. Террасаларнинг кенглиги камида 4 м. Агар ён бағирнинг тикилиги 10° дан кам бўлса, у холда токлар контур усулда ўтказилади.

Барча тайёргарлик ишлари тугалланганидан кейин тупроққа ишлов берилади. Токзорлар маҳсулдор бўлиши учун биринчи навбатда ток илдизларининг ривожланиши учун оптимал шароит-яхши сув-ҳаво ва озуқа режимини яратиш зарур. Бунинг учун кўчат ўтказишдан олдин токзор барпо этиладиган майдон 50-60 см. чуқурликда тупроқ қатламини тўлиқ ағдариб ҳайдалади. Бу ишлар Т-4 ёки Т-100 трактори билан агрегатланадиган ППН-50 плантаж плуги воситасида бажарилади. Тупроқ яхши юмшashi ва устки унумдор қатлам кўмилиши учун ток илдиз ривожланиш худудида ери чимқирқар ёрдамида 50-60 см. чуқурликда ҳайдаш зарур. Чуқур ҳайдашдан олдин унумсиз тупроқларга гектарига 20-30 тоннадан органик ўғитлар ёки ҳосилга кирган токзорларга солинадиган асосий ўғитлар миқдоридан икки маротаба кўпроқ фосфорли ва калийли ўғитлар солиш мақсадга мувофиқдир. Кўриқ ва бўз ерларга ток ўтказишдан олдин ўғит солмаса ҳам бўлади.

ТОК КЎЧАТЛАРИ ЎТКАЗИШ

Майдонга ток кўчати ўтказишдан олдин уни квартал, карталарга бўлиш

ва улар орасидаги йўллар чегараларни белгилаш учун қозиқлар қоқилади, яратиладиган қаторлар йўналиши танланади.

Суфориладиган токзорлар қаторлар йўналиши майдон нишаблигига мос бўлиши керак. Рельеф шароити бўйича бир неча томондан суфориш мумкин бўлган жойларда қаторлар йўналишини танлашда уларнинг умумий узунлиги, нишаби, доимо эсадиган шамоллар йўналишини ҳисобга олиш зарур.

Ён бағирларда токзорлар барпо этишда қор-ёмғир сувларини сақлаб қолиши, шунингдек нурашга қарши курашиш учун қаторлар асосан ён бағирга нисбатан кўндалангига ёки жой юзасига параллел равишда контур бўйлаб, террасаланган ён бағирларда терраса йўналиши бўйлаб жойлаштирилади.

Ўсимликларни ўтқазиш қалинлиги тупроқларнинг яхши ўсиши ва мева қилиши учун қулай шароит яратиш ва тупроққа ишлов бериш, тупларни кўмиш, зааркунанда ва касалликларга қарши курашиш билан боғлиқ, барча жараёнларни комплекс механизациялаштиришга имкон бериш керак.

Кўчатларни баҳорда куртаклар ёзилмасдан олдин ўтқазиш мақсадга мувофиқдир, кузги ва қишки даврда илиқ кунларда ҳам ўтқазиш мумкин, лекин бунда кўчатлар 20 см. баландликда тупроқ билан кўмилади.

Кўчатни сув билан мунтазам таъминланмаган, қондириб суфориш имконияти бўлмаган лалмикор ва шартли суфориладиган ерларда куз, қишида ўтқазиш мақсадга мувофиқдир.

Ўтқазишдан олдин кўчатларнинг уч қисмида ўсган илдизлар қирқилади, паст томондаги илдизлар бир оз қисқартирилади. Кучли ўсган ва тўғри жойлашган новдада бир иккита, икки-учта кўзча қолдириб, ортиқчаси кесиб ташланади.

Илдизларнинг ўтқазиш вақтида ва ўтқазилгандан кейин суфоришгача қуриб қолмаслиги учун улар янги гўнг ва лой аралашмасидан тайёрланган суюқликка ботириб олинади.

Ҳар бир кўчатнинг ўсиш қуввати унинг тутиш ва кейинги ривожланишига катта таъсир этишини ҳисобга олиб ўтқазишдан олдин кўчатларни гурухларга ажратиш лозим.

Аввалги йилларда барпо этилган токзорларнинг тутмаган кўчатлари ўрнига ривожланган кўчатларни, янги барпо этиладиган токзорга яхши ривожланган кўчатларни ўтқазиш керак.

Кучсиз ривожланган кўчатлардан сўнги навбатда фойдаланиш зарур, улар асосан бир майдонга ўтказилади ёки тутмаган кўчатлар ўрнига ўтқазиш учун кўчатзорда қолдирилади. Бир хил ривожланган кўчатларни ўтқазиш, уларни парвариши ва бир вақтда тўлиқ ҳосилга киришини таъминлайди.

Кўчатлар маҳсус НЮ-19, МПС машиналарида, шунингдек гидробурғилар ёрдамида 50 см. чуқурликда ўтказилади. Кўчатлар қўлда шундай ўтказиладики, бунда уларнинг пастки илдизлари чуқурча тубига тўкилган тупроқ уюмидан бир текис тақсимланади, сўнгра ер устида битта-иккита кўзча қолдириб, тупроқ билан кўмилади. Кўчатлар ўтказилиши билан тупроқ билан кўмилади. Кўчатлар ўтказилиши билан суфорилади. Лалмикор ерларда ўтқазилгандан кейин ҳар бир туп тагига камида 10 л. сув қуйилади.

Кузда ва қишида ўтқазилган кўчатларни совук уришдан сақлаш учун улар

камидар 20 см. қалинлиқда тупроқ билан күмилади.

ЁШ ТОКЗОРЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ

Күчатларнинг тутиши ва ривожланиши, уларнинг мевага кириши, бўлажак ҳосил ва унинг сифати ёш токзорни парваришлашга боғлик.

Қатқалоқ пайдо бўлишига, бегона ўтларнинг ривожланишига йўл қўймаслик зарур. Ток кўчатлари ўтказилгач дастлабки йилда уларнинг илдиз тизими учун яхши ривожланмаган бўлади. Шу сабабли токзорни тез-тез суғориб туриш лозим, бунда тупроқ камидар бир метр чукурликда намланиши керак. Кўчатлар ўтказилгандан сўнг биринчи суғориш, кейингилари апрель, май, июн ва августда бир мартадан ўтказилади. Бундан ташқари, ноябрдан марта гача бир-икки марта захира суви берилади.

Сизот сувлар юза жойлашган ерларда кўпи билан 3-4, шағалли ерларда 1,5-2,0 марта кўпроқ, вегетация суғоришлари ўтказилади. Ҳар бир суғоришдан 2-3 кун ўтгач қатор ораларида тупроқ культиваторлар ёрдамида юмшатилади.

Ердан ва сувдан унумли фойдаланиш учун токзор қатор ораларига дастлабки икки йилда сабзавот, полиз экинлари, эртаги картошка ва бошка (баланд бўйли ўсимликлардан ташқари) экинлар экиласди. Бу экинларни токзор қаторидан камидар 50 см. масофада жойлаштириш зарур.

Кўчатлар ўтказилган йили ток баргларини ранги ўзгаришидан (август-сентябрь) ва тўкилишидан олдин навлар аралашганлигини аниқлаш учун улар белгиланади ва ўрнига шу асосий нав кўчатлари октябрда ёки эрта баҳорда экиласди. Тутмаган кўчатлар ўрни ҳам тўлдирилади. Токлар ўтказилган йили кесмасдан кулда кўмилади.

Баҳорда куртаклар бўртмасдан олдин туплар очиласди. Дастлабки йиллар ёки токлар баҳорда кесиласди. Токзорлар иккичи йили биринчи йилдагидек, учинчи йили ҳосилга кирган токзорлар каби парвариш қилинади. Агар дастлабки икки йилда токзорда айрим туплар қуриган бўлса, уларнинг ўрнига ўша навли кучли кўчатлар ўтказилади.

Учинчи йилдан бошлаб (кучли тупларда иккичи йилдан) нобуд бўлган туплар асосан пархиш қилиш йўли билан тикланади. Бунда оналик тупдаги соғлом, пишган бир йиллик новда олиниб, қатор бўйлаб 50-60 см. чукурликда ковланган чукурга ётқизиласди. Чукурга ётқизилган новданинг уни керакли жойда тупроқ юзасига чиқариласди, қолган қисми эса кўчат ўтказилгандаги каби тупроқ билан кўмилади. Тупроқ юзасига чиқсан новда икки-учта кўзча қолдириб кесиласди ва қозикқа боғланади. Икки-уч йилдан кейин пархиш оналик тупдан ажратиласди. Яхши ривожланган ўсимликдан пархиш ётқизиш учун июл-сентябр ойлари қулай. Жойлашган, зарур узунликка эга кўк новдалардан қолдирилади. Барглари узиб ташланган кўк новдалар ерга пишган новдалар каби ётқизиласди.

ТОК ЎТКАЗИШ СХЕМАСИ

Ток ўтқазиш қалинлиги тупроқ-иклим шароитига, маълум навдаги тупларнинг ўсиш кучига, шунингдек ўстириш усулигага боғлик. Тупроқ қанчалик унумдор ва туплар қанчалик кучли бўлса, озиқланиш майдони

шунчалик катта бўлади. Унумсиз тупроқларда (шағалли, қумли ва бошқалар) ток кучсиз ўсади, озиқланиш майдони ҳам кичик бўлади (жадвал).

Тавсия этилаётган ток кўчатларини ўтказиш схемаси мавжуд машина ва механизмлардан самарали фойдаланишга имкон беради.

Ток тупларини жойлаштириш схемаси

Ўстириш тизими	Қаторлар орасидаги масофа, м.	Қатордаги туплар орасидаги масофа, м.	
		Кучли ўсувчи навлар	Ўртacha ўсувчи навлар
Сизот сувлар чуқур жойлашган типик бўз тупроқли ерлардаги сугориладиган токзорлар			
Тик симбагаз	3	3	2,5
Қайирма симбағаз	3,5	2,5	2,0
Чучук сизот сувлар юза жойлашган Ерлардаги сугориладиган токзорлар			
Тик симбағаз	3	3	2,5
Қайирма симбағаз	3,5-4,0	3,5	2,5
Шағалли ерлардаги сугориладиган токзорлар			
Тик симбағаз	3,0	2,0	1,5
Тоғ ва тоголди туманларидаги шартли сугориладиган токзорлар			
Тик симбағаз	3	2,5	2,5
Қайирма симбагаз	3,5	2,5	2,0
Лалмикор ерлардаги токзорлар			
Тик симбағаз	3	2,5	2,5
Қайирма симбағаз	3,5-4,0	3,0	2,5
Террасалардаги тик симбағаз	-	3,0	2,5

ҲОСИЛЛИ ТОКЗОРЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ

Табиий шароитдан тўлиқ фойдаланиш ва ҳар бир майдондан юқори ҳосил олиш учун токларни парваришлашни максимал механизациялашда токларни ўстиришнинг турли тизимлари қўлланилади. Бунда ўсиш шароити, хусусияти ва олинадиган маҳсулотдан қайси мақсадда фойдаланиши ҳисобга олинади.

Ўсиш қучи турлича бўлган техник навларни, ўртacha ўсадиган кишиши ва хураки навлар, шунингдек лалмикор ерларда ўстириледиган токларни тик симбагазда, кучли ўсувчи, хураки ва кишиши навларни қайирма симбағазда ўстириш керак.

Ўстириш тизимига кўра ток тупларини шакллантириш учун кўчат ўтказилгандан сўнг иккинчи йили устун ўрнатилиши зарур. Темир-бетон устунлар узоқ хизмат қиласи ва иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Ёғоч устунларни акациядан ясаш мақсадга мувофиқ бўлиб, уларни темир-бетон асосга ўрнатиш зарур, бу уларнинг мустахкамлигини оширади.

ТИК СИМБАҒАЗ

Симбағазни ясаш учун даставвал қатор четларига устунлар ўрнатилади; уларнинг кесими оралиқ устунлар кесимидан каттароқ бўлиши керак. З м узунликдаги оралиқ устунлар токзор қатори бўйлаб бир-биридан 8 м масофада ўрнатилади. Четки устунлар охирги тупдан туплар орасидаги масофанинг ярмига teng масофада ўрнатилади ва улар қатор ичидан темир-бетон тиргак билан ёки ташки томондан лангар қўйиб маҳкамланади. Тортиладиган симларнинг миқдори тупнинг ўсиш кучига боғлик ва суғориладиган токзорларда тўрт-беш, лалмикор ерлардаги токзорларда уч-тўрт қатор бўлиши мумкин.

Симбағазни ўрнатиш учун 2,5-3,0 мм.ли рухланган симдан фойдаланилади. Симбағазга материаллар сарфи токзорларга сарфланадиган материаллар миқдорида берилган.

Пастки қатордаги биринчи сим ер юзасида 50-60 см. баландликда, иккинчи ва кейингилари бир-биридан 40-50 см. масофада тортилади.

Бир гектарли тик симбағазли токзорга

Сарфланадиган материаллар миқдори

Тик симбағаз қатор орасидаги масофа – 3 м.

Қаторлар сони – 33

Устунлар – 297 дона

Лангар – 66 дона

Оралиқ – 297 дона

Жами – 363 дона

Хода ёки темир – бетон

Симбағазга тортиладиган 2,5мм.ли сим – 520 кг.

Улаш учун 3-4 мм.ли сим, кг. – 225 кг.

ТОК ТУПИГА ШАКЛ БЕРИШ ВА КЕСИШ

Ток кесиш муҳим агротехник усул бўлиб, токнинг ўсиши ва мева қилишини тартибга солади. Бу усул ёрдамида токни парваришлиш учун қулай шакл берилиб, у токзорлардан фойдаланиш давомида сақлаб турилади. Токга тўғри шакл берилиши ва оқилона ўстириш тизими тупдан узоқ вақт ва юқори ҳосил олинишини таъминлайди, қуёш нуридан, иссиқлик, сув ва озуқа моддаларидан тулиқроқ фойдаланишга, шунингдек механизацияни кенг кўлланишига имкон беради.

Ток қишига кўмиладиган минтақада кўп енгли елпиғиссимон шакл бериш усули кенг кўлланилади, бу ток тупларни кўмишини осонлаштиради, мўл ҳосил берадиган кўзчаларни қолдиришга имкон беради.

Тупни бир томонга елпиғиссимон шакллантиришда қатордаги туплар орасидаги масофа навларнинг ўсиш кучига боғлик: кучли ўсадиган навлар учун 2,5 м., ўртача ўсадиганлар учун 2 м. Бир томонлама елпиғиссимон шакл бериш учун тупда фақат керакли томонга ўсган новда ва енглар қолдирилади. Тупларни шакллантиришда ва улардан фойдаланишда ўз вақтида ва тўғри хомток қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Шакллантирилган тупларни ҳар йили кесишдан асосий мақсад яхши,

сифатли юқори ҳосил олишни таъминлаш, туп шаклини сақлаш, нав хусусиятлари ва қўлланиладиган агротехника ва муайян ўсиш шароитига кўра кўзчалар миқдорини тартибга солишдан иборатdir.

Тупда етарли миқдорда куртаклар бўлмаса, ривожланадиган новдалар сони камайиб кетади, куртаклар нормадан ортиқча бўлса, ҳосилдорлик пасаяди, узум боши ва мевасининг ўртача оғирлиги камаяди, кейинги йили мева олиш учун фойдаланиш мумкин бўлган новдалар узунлиги ва сони қискаради.

Токзорларда ток кесишни эрта ва ўртапишар навлардан бошлиш зарур, чунки уларнинг новдалари тезроқ пишади.

Шуни қайд қилиш керакки, хомтокни (кўк новдаларни боғлаш, тупларда новдалар кам ёки ортиқча бўлганида эрта ёзда чеканкалаш) туғри ва ўз вақтида ўтқазиш кесишни осонлаштиради ва ҳажмини қискартиради. Хомток қилиш вақтида новдаларнинг кесилган жойи кузги кесишдагига нисбатан тезроқ битади.

Токни умум қабул қилинган технология бўйича кесиш зарур. Бунда ўткир ток қайчи ва аррадан фойдаланилади. Енглар фақат ички томондан кесилади, бунда кесилган жойлар яқинидаги зааралangan майдонларнинг туташиб кетишига йўл қўймаслик керак, бу тупнинг ўсишини сусайтиради ва ҳосилдорлигини камайтиради. Зангларни кунда қолдирмай кесиш, бурчак куртакдан новда ҳосил бўлишини истисно этиш лозим. Ўринбосар новда ҳар доим мевали новдадан пастда ва енгнинг ташқи томонида қолдирилади. Енгда бир неча мевали новда қолдирилганда кесиш узунлигини уларнинг жойлашганлигига кўра табақалаштириш керак: мевали новда енг асосидан қанча узоқда жойлашган бўлса, у шунчалик узоқда қолдирилади. Новдадаги кесик силлиқ бўлиши ва тез битиши учун ток қайчининг бўртиқ кесувчи жағи тупда қоладиган новда ёки енг қисмига қаратилади.

Кузда ток кесища шакллантириш учун кераксиз новдалар ва ўсиб кетган енглар олиб ташланади, бир йиллик новдалар ишлатилиш мақсадига (новда ёки мевали новда) кўра калталаштирилади.

Мева қиласидан туп бошидан кесилади, бунда скелет новда баргдан тозаланади. Тик ўсувчи новдалар асосга тақаб кесилади. Ўсиб кетган ва эгилмайдиган бўлиб қолган енглар олиб ташланади ёки яхши ривожланган тупнинг ташқи томонига ўсан новдачага қурий бошлаган енглар олиб ташланади. Улар ўрнига бачки новдалар қолдирилади. Тупда пишган новдада тўрттадан кам бўлса, у ҳолда қатор жойлашган кучли новдалар янги енг шакллантириш учун қолдирилади. Енгларда асосга яқин жойлашган икки-учта кучли новда танланади, тупнинг ички томонига қараб ўсан энг пастки 2-3 та кўзча, ундан юқорисида 6-7 та, энг юқорисида 10-15 та кўзча қолдириб кесилади. Енг тез ўсиб кетмаслиги учун ўринбосар новдалар қолдирилади. Иккита ҳосилли новда кучли ҳосилли бўғинни ташкил этади.

Ток қўмиладиган районларда кузда дастлабки кесиш вақтида тупларда қўшимча куртаклар (қабул қилинган нормадан 20-25% миқдорида) қолдирилади. Баҳорда туплар очилгандан кейин куртаклар қишида шикастланган ва синган новдаларни ҳисобга олган ҳолда қолдирилади.

Токдан ҳар йили мўл ва юқори сифатли ҳосил олиш учун туплардаги

куртаклар сони токнинг ўсиш кучи ва мева қилиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда навлар бўйича табақалаштирилади.

Мева қилиш коэффициенти паст (ривожланган новдалардаги узум бошлари сони) бўлган кучли ўсадиган навлар (Пушти тоифи, Нимранг, Хусайнни, Сурхок Китабский, шунингдек Кора кишмиш ва Оқ кишмишда кўзчалар кўпроқ қолдирилади. Енгларда кучайтирилган ҳосилли бўғинлар қолдирилади, ҳосилли новдалар 10-15 та кўзча қолдириб кесилади. Бир тупда 200-300 та кўзча қолдирилади.

Баян-ширеј, Кульжинский, Сояки навлари учун озиқланиш майдони 3 x 2,5 м. бўлган тупдаги кўзчалар 160-200 тани ташкил этади.

Ўртача ўсуви Ркацители, Саперави, пушти Мускат, Алеатико навларида кўзчалар сони 150-180 тага етказилади.

Ҳосил новдалари кўп бўлган кучсиз ўсадиган Рислинг, Пино черный навларида 80-100 та кўзча қолдирилади.

Ўзбекистон шароитида навнинг ўсиш кучи ва муайян новдага кўра (кучлироқ новдалар узунроқ кесилади) новдаларда 6-8, 9-12, 12-15 та куртак қолдириб, ҳар хил узунликда кесилади.

Республиканинг кўпгина туманларида тупларни кўмишдан олдин ва уларни очгандан кейин бўладиган совуқлар кўзчаларнинг заарланишига, енгнинг кўп йиллик қисмларидағи тўқималарнинг қисман қуришига олиб келади.

Йилдан-йилга шикастланишлар кўпайиши натижасида ҳосилли новдалардаги кўп новдалар қуриши мумкин.

Кучли заарланган токзорларда қисқа вақт ичида тупнинг ер усти қисмини қайта тиклаш ва бачкилардан ҳосил олиш учун токни яхши парваришлиш зарур. Шуни ҳисобга олиш керакки, туп бошида ва калта кесилган новдаларда ёки кунданинг пастки қисмида ривожланмаган ва уйғонмаган куртакларнинг катта захираси бор, улардан мевасиз новдалар ривожланиши ва тупларнинг ер усти қисмини қайта тиклаш ва ҳосил олиш учун фойдаланиш мумкин.

Яхши сув озиқа режими кўшимишча куртакларнинг ривожланишини кучайтиради. Заарланган токзорларни биринчи навбатда суғориш зарур. Суғоришдан олдин минерал ўғитлар солиш керак.

Суғоргандан кейин туп бошидан кўплаб бачкилар ўсиб чикади, улардан қулай жойлашган, тупнинг пастки қисмида ва қатор бўйлаб ўсуви 8-10 та новда қолдирилади, қолганлари олиб ташланади. Бу ишни иложи борича эртароқ, новдалар синувчанлигига бажариш лозим.

Эгилувчан енгли қилиб тўғри шакллантирилган ва кесилган туп осон ва ихчам жойлашади, бу токни сифатли кўмишга имкон беради.

Кўп йиллик маълумотларга кўра, Ўзбекистоннинг шимолий районларида кўпинча ноябрнинг биринчи ўн кунлигини ҳарорат минус 10-12° гача пасаяди, новдалари пишмаган тупларга зарар етказади, бунда кўмилмайдиган токзорларга анча зиён этиши мумкинлигини ҳисобга олиб, токларни кесиш, жойлаш ва кўмиш ишларини октябрнинг иккинчи ярмида тугаллаш керак. Ярим елпифисимон шаклда ўстиришда кўп йиллик занглар факат бир томонга пастки

ва иккинчи симга, ҳосил берувчи новдалар биринчи ва иккинчи, истисно тарикасида учинчи симга боғланади.

Мұхым агротехник тадбирлардан бири токни хомток қилиш, новдаларни чилпиш, бачки новдаларни олиб ташлаш ва чеканка қилишдир. Новдаларнинг ўсиши ва етилиши, ҳосил сифати, ўсимликларни қишга тайёрлаш мана шу агротадбирларнинг ўз вақтида ва түғри ўтказилишига боғлик.

ХОМОТОК ҚИЛИШ

Токда шўралар пайдо бўлиши билан хомток қилинади. Новдада шўра ўрнида жингалакларнинг борлиги унинг ҳосил қилмаслигидан далолат беради. Ҳосил қилмаслиги аниқ бўлган новдаларни эрта хомток қилиш қўшимча миқдорда новдалар, шу жумладан ҳосил қиласиган новдаларнинг ривожланишига ёрдам беради. Хомтокни эрта гуллайдиган навлар ўтказилган майдонлардан бошлаш зарур. Токнинг кўп йиллик зангларидан ўсиб чиқсан бачки новдалар биринчи навбатда олиб ташланади. Бунда токни шакллантириш ва зангнинг ўрнини босиш учун керак бўладиган бачки новдалар қолдирилади. Агар токда заарланиш натижасида ёки бошқа сабабларга қўра кам новда ривожланган бўлса, ҳам бачки новдаларнинг бир қисми озиқланиш юзасини ошириш учун қолдирилади.

Ҳар бир нав учун тупдаги ҳосил қилмайдиган новдалар нисбати олинадиган ҳосил ва новданинг ўсиш кучини, шунингдек экологик ва агротехник шароитини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Масалан, сугориладиган ерларда етиштириладиган кишишибоп навларда ҳар иккита ҳосилдор новдага бир- иккита ҳосилсиз новда қолдириш керак. Лалми токзорларда қишиш ва баҳор давридаги ёғингарчиликни ҳисобга олган ҳолда хомток қилинади. Бир вақтнинг ўзида олинадиган ҳосил миқдори нормаллаштирилади ва ҳар бир ҳосилдор новдага битта ҳосил қилмайдиган новда қолдирилади. Ёғингарчилик кам бўлган йилларда токнинг жуда кучизланиб кетишининг олдини олиш мақсадида шўрали новдаларнинг учдан бир қисмини олиб ташлаш керак.

Техник навларнинг кўпчилигига ҳосилсиз новдалар оз қолдирилади, чунки уларда кўп миқдорда шўралар яшил новдалар ривожланади.

ТУПРОҚА ИШЛОВ БЕРИШ

Токнинг бир меёрда ўсиши ва ҳосил бериши учун тупроқда баҳор-ёз ва кузда ишлов бериш зарур (сув-ҳаво режимини яхшилаш, бегона ўтларни йуқотиш ва токларни қишки совуқлардан ҳимоялаш учун). Тупроқка кузда 25-30 см. чукурликда ишлов бериш баҳорга келиб тупроқда кўп миқдорда нам тўпланишига, бегона ўтларнинг йўқолишига ёрдам беради.

Агар токзорга кузда ишлов берилмаган бўлса, баҳорда токларни механизация усулида чала очиш билан бир вақтда ер ҳайдалади. Токлар очилгандан кейин қатор ораларидағи тупроқни текислаш учун культивация қилинади ёки бороналанади.

Ўсиш даври давомида тупроқда бегона ўтларни йуқотишда ва тупроқда намни сақлаб туриш учун қатор оралари 10-12 см. чукурликда 3-4 маротаба

культивация қилинади. Ҳар бир сугорищдан кейин ҳамда лалми токзорларда эса мўл ёқсан ҳар бир ёмғирдан сўнг культувация қилиш керак.

Баҳор-ёз давомида юмшоқ қатлам ҳосил қилиш ва бегона ўтларни йуқотиш учун НЮ-18 плуги ўрнатилган мослама билан ток тупи атрофидаги тупроққа ишлов берилади.

Хозирги вақтгача токларнинг бир қисми ер бағирлатиб ўстирилади, бундай токзорларда баҳорда тупроқ чопилади, ёзги сугоришлардан кейин юмшатилади.

Механизмларнинг кўп карра ўтиши ва сугориш натижасида ток қатор оралари тупроғи кучли зичланади, бу ток тупларининг ўсиши ва ҳосилдорлигига салбий таъсир этади.

МПВ машиналарида ўғит солиш билан бир вақтда ҳар бир қатор орасида тупроқни уч из бўйлаб ҳар йили юмшатиш керак, чунки бу ҳолда ён юмшатгичлар тупроққа 35-40 см. чукурликда ботади ва илдиз системасини унча шикастламайди, марказий юмшатгич эса 55-60 см чукурликга ботади. Агар иш 55 см. чукурликда уч из бўйлаб юмшатадиган МПВ машинаси билан бажариладиган бўлса, бу ҳолда қатор оралатиб юмшатиш керак.

Шундай юмшатишда тупроқнинг сув ҳаво режими яхшиланиб, илдиз тизими яхши ўсади. Натижада ҳосилдорлик 35-40 % ошади.

Лалми токзорларда тупроқ баҳорда чукур юмшатилади, кейин ўсиш даври давомида 18-20 см. чукурликда юмшатиб турилади. Токни парвариш қилиш ишлари давомида 18-20 см. чукурликда юмшатиб турилади. Токни парвариш қилиш ишлари МПВ, НЮ-18, УОМ-50, пневматик ток очиҷчлар билан бажарилади.

МПВ, НЮ-18 машиналари билан сугориш эгатлари очилади, қатор оралари культувация қилинади ва ёппасига юмшатилади.

МПВ машинасига ўрнатиладиган НЮ-18 мосламаси ёрдамида токлар чала очилади ва қаторлардаги ток туплари атрофидаги тупроқга ишлов берилади.

Т-54В, МТЗ-80 ёки МТЗ-82 тракторларига ўрнатиладиган пневматик ток очиҷчлар билан ток тўла очилади.

СУГОРИШ

Ўзбекистонда токзорларни эгатлаб сугориш кенг тарқалган. Ўқариқлардан сув ток қатор ораларида очилган эгатларга оқади. Эгатларнинг чукурлиги 18-20 см., узунлиги 100 м.дан 300 м.гача, механик таркиби бўйича енгил тупроқларда эгатлар узунлиги оғир тупроқлардагига нисбатан қисқароқ бўлиши керак.

Сугориш эгатлари орасидаги масофа токзор тупроғи ва ток қатор оралари кенглигига боғлиқ. Сув ўтказувчанлиги ўртacha ва механик таркиби бўйича оғир тупроқларда ток қаторидан 0,5-0,6 м. масофада очилган иккита сугориш эгати кифоя.

Сугориша навнинг ўзига хос хусусиятлари ва тупроқ-иклим шароитини ҳисобга олиш зарур. Токнинг яхши ўсиши ва ҳосил қилиши учун тупроқнинг намлиги дала сув сифимидан 70%дан кам бўлмаслиги энг қулайдир.

Токнинг сувга эхтиёжи ривожланишининг турли фазаларида бир хил эмас. Шунинг учун вегетациянинг биринчи даврида тупроқ намлигини дала сув сифимидан 70-80%, иккинчи даврида эса 60-65% даражадасида сақлаб туриш керак.

Ўсиш давомида ҳосилдор токзорларни оғир тупроқларда 2-4 маротаба, сувни тутиб қолиш қобилияти паст тупроқларда (қумли, тошлоқ) 7-9 маротаба сугориш керак. Сизот сувлари юза жойлашган тупроқларда сугоришларни тупроқ намлигига кўра ўтқазиш керак. Суғоришни бошлиш ва уларнинг миқдори ҳам тупроқ намлигига кўра белгиланади. Биринчи ўсиш даврида сугориш муддати тупроқ, об-ҳаво, шунингдек қишки сув беришга боғлик бўлиб, май – июн ойида ўтқазилиши мумкин.

Оғир соз тупроқларда ўсиш даврида битта суғориш гектарига $700-800\text{ m}^3$, енгил қумоқ, шунингдек тошлоқ тупроқларда $400-500\text{ m}^3$ ташкил этади.

Куз-қиши даврида гектарига $1200-1500\text{ m}^3$ ҳисобидан захира сув берилади, бунда тупроқ 1,5-2 м. чукурликгача намланиши керак. Бундай миқдорда 2-3 маротаба сугоришдан кейин тупроқда кўп миқдорда сув захираси тўпланади. Бу сугоришлар ўсимликни ўсиш даврининг биринчи ярмида нам билан таъминлайди. Бу ҳолда ўсиш даврида сугоришлар сонини биттага қискартириш мумкин.

Баҳорги ёмғирлардан, шунингдек ҳар бир ўсиш даврида сугоришдан кейин тупроқнинг етилишига қараб намни сақлаб қолиш мақсадида ток қатор ораларини ўз вақтида ва юқори агротехника даражада юмшатиш зарур.

Ток новдаларининг ўз вақтида етилиши, ўсимликларнинг қишига тайёрланиши ва ҳосилнинг пишиши учун сугоришни шимолий туманларда сентябр бошида, жанубий туманларда сентябр ўрталарида тўхтатиш керак.

Ёғингарчилик 600 мм.дан кам бўлмайдиган тоғ-тоғолди минтақасида ток суғормасдан ўстирилади.

Лалми ва шартли суғориладиган токзорларда ёмғир сувларини тўплаш учун ёмғирдан кейин кузда ер чуқур ҳайдалади ва юмшатилади. Тупроқни ўз вақтида ва сифатли юмшатиш намнинг сақланиб қолишига, суғорилмайдиган токнинг яхши ўсиши ва ҳосил қилишига ёрдам беради.

Баъзи тоғолди-тоғли туманларда, имконият бўлса, токни ҳеч бўлмагандан бир маротаба сугориш зарур. Бу унинг ўсиши ва ҳосил қилишини анча яхшилайди.

Тупроқ ичидан ва томчилаб сугориш усули истиқболлидир. Бундай сугорища сув тежалади, ёзги ишлов беришлар истисно этилади, ҳосилдорлик 40% га ошади. Нишаб ерларда томчилатиб сугориш самаралидир, бу бошқа экинлар етиштириш учун яроқсиз ерларни қишлоқ- хўжалик оборотига киритиш имконини беради, тупроқ эрозиясини пасайтиради, шунингдек эгатлаб сугоришга нисбатан сувни 40-50% га тежайди.

ЎҒИТЛАШ

Токчиликда ўғитларни қўллаш самарадорлиги кўргина омиллар билан белгиланади, улар ичida тупроқнинг табиий унумдорлиги, унинг намланганлиги, умумий ток ўстириш маданияти ва токларнинг тупроқдан озуқа

моддаларини истеъмол қилиш қобилияти кабилар муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳосил ва токнинг вегетатив массаси билан тупроқдан анча озуқа моддаларининг олиб чиқилиши тупроқнинг табиий унумдорлигини яхшилаш ва уни керакли даражада сақлаб туришни талаб қиласди.

Кўриқ ва қайта тикланган ерларда (айниқса ерларни капитал текислашда тупроқ қатлами анча чуқурликда олиб ташланган холларда) янги токзорлар барпо этишдан олдин тупроқ унумдорлигини кўп миқдорда органик ўғитлар (40 тоннагача) солиш қўшимча равишда тегишли миқдорда минерал ўғитлар солиб, 1-2 йил давомида оралиқ экинлар етиштириш йўли билан яхшилаш талаб этилади.

Яхши текисланган, органик моддалар билан бойитилган, кўп йиллик begona ўтлардан тозаланган майдонларда ток ўтказишдан 2-3 ой олдин ер чукур ҳайдалади.

Ток ўстириш учун суғориладиган алмашлаб экилган ерларни ўзлаштиришда чуқур ҳайдашдан олдин минерал ўғитларнинг асосий миқдорини гектарига (120 кг. азот, 90 кг. фосфор ва 30 кг. калий) органик ўғитлар гектарига 5 дан 20 тоннагача қўшиб солиш мумкин.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида органик ўғитларнинг (айниқса гўнг) катта самарадорлигини ҳисобга олиб, токчиликда бу ўғитлардан тежаб ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш зурав. Бунинг учун гўнг ўрнида таркибида чириган органик моддалар бор чиқиндилар (узум тўпони, ўсимлик қолдиқлари)дан кенг фойдаланиш керак. Уларга фосфор, калий, микроэлементлар (кул, суюқ, саноат чиқиндилари)дан иборат минерал моддалар қўшилади.

Бундай органик моддаларни солиш нормаси гўнг солиш нормасига нисбатан 2-3 маротаба юқори бўлиши керак.

Узумдан мўл ҳосил олинадиган токзорларда хар 3-4 йилда гектарига 20-40 тн. миқдорида органик ўғитлар солиб туриш зарур. Бунда ўғит ток туплари қишига кўмилгандан кейин ерни 25-35 см. чуқурликда ҳайдаб, гўнг сочгич билан солинади. Органик ва минерал ўғитларни чуқур ковлагич билан қазиладиган 60 x 60 см.ли чуқурларга солиш жуда самаралидир. Бунда хар бир чуқурга 20-30 кг.дан ўғит солинади.

Ток ўтказилган дастлабки икки йилида илдиз системаси кучсиз ривожланган бўлиб, тупроқда унча чуқур жойлашмайди ва экишдан олдин тупроқнинг унумдорлигини яхшилаш сув ҳаво режими қулайлигида ўсимликларнинг минерал ўғитлар билан етарлича озиқланишини таъминлайди.

Шу билан бирга ток қатор ораларида полиз ва сабзвот экинларини улар учун қабул қилинган ўғитлаш ва суғориш технологияси бўйича етиштиришда ҳам токзорларда кулай сув озуқа режими яратилади.

Суғориладиган бўз тупроқларда ўстириладиган ҳосилдорлиги гектаридан 200-250 цн.ли токзорларда минерал ўғитларнинг асосий меъёри 120 кг. азот, 90 кг. фосфор ва 30 кг. калий (таъсир этувчи модда)ни ташкил этади.

Ҳосилдорлиги янада юқори бўлган, шунингдек унумсиз тупроқларда (кумлок, тошлок) ўстириладиган токзорларда фосфор ва калий меъёрини гектарига 90-120 кг.гача ошириш мумкин.

Ток новдалари яхши ўсмаганда ёки тупда кўп ҳосилли новда ва шўралар ривожланиб, ҳосил мўл бўлган йилларда, ёки физиологик актив моддалар (гиббереллин, ТУР) кўлланилганда, токларни биринчи маротаба май ойида, иккинчи маротаба 10-15 кундан кейин гектарига 60 кг. азот, 45 кг. фосфор ва 15 кг. калий билан кўшимида минерал озиқлантириш талаб этилади.

Суғорилмайдиган ерлардаги токзорларда тупроқда етарлича нам тўпланганда (кеч куз ва баҳорда) органик ўғитлар аралашмасини солиш керак, бу ўғитларнинг ўсимлик илдизларига яхши етиб боришини таъминлайди. Бундай шароитда ўғитларни чуқурчаларга солиш айниқса самаралидир. Ўртacha қумоқ тупроқларда гектарига 3 тн. гўнгни минерал ўғитлар гектарига 60 кг.дан азот ва фосфор ва 15 кг. калий билан 30-40 см. чуқурликка солиш зарур. Оғир қумоқ тупроқларда 1 тн. гўнг билан 30-40 см чуқурликка солиш зарур. Оғир қумоқ тупроқларда 1 тн. гўнг гектарига 120 кг. азот, 90 кг. фосфор ва 30 кг. калий билан қушиб 40-50 см. чуқурликка солинади.

Комплекс минерал ўғитлар (аммофос, нитрофос ва бошқалар) оддий ўғитларга нисбатан бир қатор агрокимёвий иқтисодий афзалликларга эга.

Озиқа элементлари бўйича уларнинг солиш миқдори оддий ўғитлар учун тавсия этилган солиш миқдори билан бир хил. Шунинг учун озиқа элементлари таркибини кўпайтириш учун комплекс ва оддий ўғитлардан биргаликда фойдаланиш керак.

Масалан, суғориладиган ҳосилдор токзорларда ҳар йили баҳорда токлар очилгандан кейин гектарига 225 кг. аммософ билан бирга 225 кг. аммиакли селитра ва 250 кг. калий тузлари ёки 455 кг. нитрофос ҳисобидан минерал ўғитлар солинади.

Токларга гуллашдан икки хафта олдин вентиляторли пуркагичлар билан ишлов берилади. ТУР таъсирида ҳосилдорлик 40% га ошади.

Узум бошининг ўртacha оғирлиги яхши мева туғиши ҳисобига 1,5-2 маротаба ортади. Уруғсиз навларга ТУР препаратининг 1%-ли эритмаси билан гуллашидан 2 хафта олдин ишлов бериш мақсадга мувофиқдир, кейин тўпгулларга гибереллин эритмаси пуркалади.

ТОКЛАРНИ СОВУҚДАН САҚЛАШ

Ўзбекистон майдонининг катта қисмида айrim йилларда қишида ҳаво ҳарорати минус 25-30°C гача пасаяди, бу токни қишида кўмишни талаб этади.

Новдаларнинг яхши пишиши ва чиқишини таъминлайдиган юқори агрофонда ўстириладиган токлар яхшироқ қишлийди. Қишки захира суви бериш ҳам совуқнинг зарарли таъсирини сусайтиради.

Худди шунга ўхшашиб ҳолни ёз охирида азотли ўғитлардан фойдаланилганда ҳам кузатиш мумкин, чунки бу ўғитлар новдаларнинг ўсиш даврини чўзиб юборади ва пишишини секинлаштиради.

Токлар дастлаб кузда кесилгандан кейин кўмишдан олдин қатор бўйлаб қўндоқлаб ётқизилади, МПВ машиналари бўлса, ток новдалари шу машиналар ёрдамида ётқизилади. Ўзбекистоннинг шимолий туманларида ток устига ётқизилган тупроқ уюмининг баландлиги 25-30 см., бошқа туманларда эса 20-25 см. бўлиши керак.

Ўзбекистоннинг шимолий туманларида ток учун ҳавфли кузги совуқлар ноябрнинг бошида тушади, шунинг учун токни кўмиш ишлари бу ерларда 1 ноябрда, қолган туманларда 10 ноябргача тугатилиши керак.

Токлар яхши кўмилиши зарур. Ёмон кўмилган ёки кеч кўмилган ток кузги совуқлардан, кейинчалик эса қишки совуқлардан заарланади, новдаларни совуқ уради ва улар қуриб қолади.

ТОКЗОРЛАРНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ

Токзорларни қайта тиклаш саноат токзорларини кенгайтириш мақсадида ҳосилдор токни кўчириб ўтказиш, комплекс механизация ва илғор технологияни қўлланиш имкониятини яратиш, тупларга шакл бериш ва қатор оралари кенглигини ўзгартириш, кам ҳосилли навларни истиқболли навлар билан алмаштириш, сув таъминотини яхшилаш учун қаторлар йўналишини ўзгартиришни қўзда тутади.

Токзорларни қайта тиклашдан олдин ерларни ўлчаб, съёмка килиш, асосий текислаш, агромелиоратив ишларни ўтказиш, тупроқни чуқур ҳайдаш ва унумдорлигини тиклаш, майдонни ташкил этиш режаларини тузиш керак. Кўчириб ўтказиш учун зарур бўладиган районлаштирилган нав кўчатларига бўлган эҳтиёж аниқланади.

Токзорларни қайта тиклаш ва нав таркибини тартибга солища республикада узумчилик структурасини тубдан қайта қуриш ва навлари нисбатини хўраки ҳамда майизбоп навлар фойдасига ўзгартиришни қўзда тутиш керак.

Шу билан бирга республикада ялпи узум ҳосилини камайтирмаслик учун бу ишларни режа асосида йилма-йил амалга ошириш ва яхши агротехник парваришлиш ҳисобига эски токзорлардан юқори ҳосил олиш лозим.

Тошкент вохаси ва Фарғона водийси узумнинг хўраки навларини, республика жанубий-ғарби (Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Навоий ва Жиззах вилоятларининг бир қисми) кишмиш-майизбоп навларини етиштиришга ихтисослашган.

Токзорларда узумнинг куйидаги хўраки ва кишмишбоп навларини етиштириш мақсадга мувофиқдир. Ўта эртапишар ва эртапишар хўраки навлар – Китоб сурхоки, Эртапишар, Ранний Шредера.

Эрта эртапишар – Қора кишмиш, Кишмиш Ботир ва Кишмиш Суғдиёна; Ўртапишар – Хусайни, Қора жанжал, Гўзал қора, Оқ кишмиш, Кишмиш Хишров, Зарафшон кишмиши, Катта Қургон; Ўрта кечпишар – Мускат Александрийский, Султони, Нимранг, кечки навлар – Ўзбекистон мускати, Пушти тоифи, Октябрьский.

Кейинчалик узумнинг август ойида пишадиган йирик оқ мевали кишмишбоп навлари – Кишмиш Ботир, Кишмиш Хишров, Кишмиш Зарафшон, Кишмиш Суғдиёна экиладиган майдонларни кенгайтириш зарур. Бу кишмишни қулай об-ҳаво шароитида қуритишни таъминлайди. Йирик қора мевали Кишмиш Суғдиёна сентябр ойида пишади ва ташиш ҳамда узоқ вақт саклашга ярайди. Юқоридаги барча навлар янгилигича ейишга ва қуритишга ярайди.

Узумнинг хураки-майизбоп Оқ Султони, Катта Қургон, Ўзбекистон

мускати ва Мускат Александрийский навларидан юқори сифатли майиз олинади.

Токзорларда хўраки навлар билан бирга 10-12% техник навлар бўлиши керак, уларни қайта ишланиб, юқори сифатли шарбатлар, мусалласлар ва шампан виноларни (Кульжинский нави, Ркацители, Сояки, Баян Ширей, Мускат венгерский) ишлаб чиқарилади. Техник навлар парваришилашга кам маблағ талаб этади, бу меҳнат ресурсларидан унумлироқ фойдаланиш имконини беради. Узум бошлари йирик ва ўртача, мевалари серсув ва этили кўпгина техник навлардан жойида хўллигича ейиш ва қисман республика ташқарисига чиқариш учун фойдаланиш мумкин.

Бу навлардан хўраки нав сифатида фойдаланиш учун маҳсус қўшимча тадбирларни амалга ошириш, биринчи навбатда хўраки навлар каби хомток қилиш, ҳосили пишиб етила бошлагандга эса узум бошларига қуёш нурларининг яхши тушиши учун баргларини сийраклаштириш тавсия этилади. Бу ишлар шу навнинг хўракилик сифатлари (ранги, қанд тўпланишига, мевалари механик хусусиятлари) нинг яхшиланишига ёрдам беради. Бу навларнинг ҳосили техник ишлов бериш учун териб олинадиган муддатда 10-12 кун кечроқ ва меваларнинг шарбатида қанд моддаси 20% дан кам бўлмаганида узилади.

Янги токзорлар узумчиликдаги мавжуд фан-техника тараққиёти ютуқларидан фодаланган ҳолда барпо этилади. Иқлим шароити токнинг қишлиши учун қулай бўлган Сурҳандарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларининг бир қисми, Кўқоннинг бир гурух туманларида токни баланд танали қилиб шакллантириб кенг қаторларда ўстириш мақсадга мувофиқdir, бу ҳосилдорликнинг анча ошишига ва меҳнат ҳаражатларининг камайишига ёрдам беради.

Бундан ташқари, Сурхондарё вилоятида эртапишар узум навларини кўп миқдорда ўстириш керак, бу Тошкент шаҳри аҳолисини 1ой илгари янги узум билан таъминлаш ва республикадан четга ҳам жўнатиш имконини беради.

Узумнинг хўраки-майизбоп Нимранг, Катта қўрғон навларидан токзор барпо этишда шуни ёдда тутиш керакки, бу навларнинг гули урғочи типли бўлиб, чанглатувчи навлар билан бирга (1-2 қатор оралатиб) ўстиришни талаб этади.

Нимранг нави учун Қора кишиши, Пушти тоифи ва Мускат венгерский, Катта қўрғон нави учун Қора кишиши ва Ркацители навлари чанглатувчи сифатида хизмат қилиш мумкин.

ҲОСИЛНИ ЙИҒИШТИРИШ ВА ТАШИШ

Узум ҳосилини ўз вақтида ва туғри йиғишириб олиш учун ҳосилни йиғишириш режасини тузиш керак. Режа ўз ичига олинадиган ҳосил миқдорини олдиндан аниқлаш, мева сақлагич идишлари, зарур бўладиган транспорт воситалари, қуритиш майдончалари. Маҳсулотни қишида сақлаш учун омборлар тайёрлаш ва шу каби бир қатор ишлаб чиқариш технологик ишларни олади.

Ҳосилни йиғишириб олиш вақти унинг пишганлиги ёки маълум бир маҳсулот ишлаб чиқариш узумнинг қандлилиги ва кислоталилиги бу мақсад

учун яроқлилиги билан белгиланади. Кишмиш навлар қандлилиги 24-25%лигига, майизбоп навлар 22-23%лигига узиб олинади. Оқ мусаллас ишлаб чиқариш учун узум қандлилиги 17-18%, қизил мусаллас учун 18-20%лигига, хўраки навлар таркибида қанд миқдори 16-17% ва ундан юқорилигига йиғиштириб олинади.

Узум қуритиш ёки жойларга юбориш учун мўлжалланган токзорларни сугориш ҳосил йиғиштириб олишдан 2-3 ҳафта олдин тўхтатилиши керак.

Узумни ҳаво қуруқ вақтда узиш керак. Хўраки навлар танлаб, фақат пишган узум бошларигина узилади. Узум бошлари ўткир боғ қайчи ёки маҳсус қайчилар билан кесилади, бунда узум бошини бандидан ушлаб туриш керак. Заарланган ёки шикастланган мевалар алоҳида жойланади. Узилган узум бошлари яшикларга ёки сиқими 10-12 кг.ли саватларга жойланади. Навларни аралаштириб юборишга йўл қўйилмайди.

Узумни қаторнинг ўртасидан бошлаб узиш ва қаторнинг икки томонидаги йўлга олиб чиқиш керак.

Узум маҳсус шийпон ёки жойида яшикларга жойланади. Узумни яшикларга жойлаштиришда бандлари пастга қаратиб қўйилади, яшикда бўш жойлар бўлмаслиги керак, бундай жойларга массаси 150 г.дан кам бўлган узум бошлари жойланади.

Узумни поездларда ёки самолётда жўнаташда яшик қопқоғининг иккита четки тахтачалари қоқилган бўлиши керак. Яшикларни тахлашда бу тахтачалар рейка қистирмалар учун таянч бўлиб хизмат қиласди.

Узум қуритиш учун сифими кўпи билан 20 кг.ли яшикларга йиғилади ва қуритиш пунктига ташилади, у ерда сараланади ва бракка чиқарилади. Эзилган ва яхши пишмаган йирик узум бошлари ғужумларига бўлинади ва кейинги жараёнга узатилади.

Узум ҳосилдорлигини оширишда, маҳсулотни юқори қўтаришда, сифатини яхшилашда асосий шартлардан бири, илмий асосланган турларни тупроқ иқлим шароитига жавоб берадиган узум тури ва навларини худудлар бўйича жойлаштиришдир.

Ўзбекистон бир нечта асосий тупроқ худудларига эга, бу бўз тупроқлар, шўр тупроқлар, шағалли ва қумли ерлар, тоғ ва тоғ олди ерлардаги худудлар.

Узумчиликни ривожлантиришда, тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган холда узумчилик худудларига қуидаги узум турларини жойлаштириш тавсия этилади.

Андижон вилоятида хўраки ҳамда шароббоп навлар.

Бухоро вилоятида: хўраки, кишмишбоп ва шароббоп навлар. Жиззах вилоятида хўраки ва шароббоп навлар тоғ олди худудида.

Қашқадарё вилоятида: Қарши худудида хўраки ва кишмишбоп навлар.

Китоб – Шахрисабз худудида хўраки ва шароббоп навлар.

Навоий вилоятида: хўраки, кишмишбоп ва шароббоп навлар.

Наманган вилоятида: Наманган худудида хўраки, кишмишбоп, шароббоп навлар, тоғ олди Чорток – Янгиқўрғон худудларида хўраки, шароббоп навлар.

Самарқанд вилоятида: Самарқанд худудида – хўраки, кишмишбоп, шароббоп навлар, тоғ олди Ургут худудида – хўраки, кишмишбоп, шароббоп

навлар, Каттақүрғон худудида хўраки ва кишмишбоп навлар.

Сирдарё вилоятида: хўраки ва шароббоп навлар

Тошкент вилоятида хўраки, шароббоп навлар. Паркент худудида хўраки, кишмиш ва шароббоп навлар.

Сурхондарё вилоятида; Термез худудида – хўраки, кишмишбоп ва шароббоп навлар, Денов ҳамда тоғли худудларда хўраки ва шароббоп навлар.

Фарғона вилоятида: Фарғона худудида – хўраки, кишмишбоп ва шароббоп навлар, тоғли ва тоғ олди худудида – хўраки, кишмишбоп ва шароббоп навлар, Кўқон худудида – хўраки ва шароббоп навлар

Хоразм вилоятида: – хўраки ва шароббоп навлар

Қорақалпоқ республикасида хўраки навлар экишга тавсия этилади.

ТОКЗОРЛАРНИ ЗАРАРКУНАНДА ВА КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Ўзбекистон шароитида ток ўсимлигига асосан зааркунандалардан узумхўр қурт, ун ғуборли ток қурти тоғолди минтақаларда кравчик қўнғизи; касалликлардан оидиум, антракноз, бактериал рак ва қисман хлороз касаллиги жиддий зарар келтиради.

Узумхўр қурти (узум қуяси, шингил қурти). Зааркунанда узум тўпгули, тугунча, ғўра ва етииб келаётган ғужум билан озиқланади. Бунда ток ҳосилининг ярмидан кўпроғи чириб кетади сақлашга ва бозорга олиб боришга ярамайди. Бизнинг шароитда шингил қурти мавсумда тўрт авлодда ривожланади. Кўкламда капалаклар ток шўрасида тўпгуллар шаклланганда учади ва ғунчаларга тухум қўяди.

Иккинчи авлод капалаклари учиши ток гуллагандан 17-20 кун ўтгач бошланади. Учинчи авлодни берувчи капалаклар июлнинг иккинчи ўн кунлигига учиб чиқиб тухум қўя бошлайди. Муддатларни аниқлашда феромонли тузоқлардан ҳам фойдаланса бўлади.

Кураши чоралари. Узумхўр қуртининг заарини камайтириши учун шўра хомток, ғўра хомтоклар ўз вақтида ва сифатли ўтқазилиши новдалар чеканка қилиниб барвлар сийраклаштирилиши керак.

Бунга қўшимча 2-3 маротаба пуркаш ўтқазилиши, биринчи пуркаш, Қора кишиши, Пушти Тоифи навлари 4-5 та чинбарг чиқарганда, иккинчиси ток гуллагандан 17-20 кун кейин, зарурат бўлса учинчиси иккинчисидан 7-10 кун ўтгач бажарилиши лозим. Токларни бензофасфат, золон ёки карбофос билан (100 л. сувга 300 г.) ёки олма қуртига қарши тавсия этилган препаратлардан бирини қўллаб пуркаш самаралидир. Бир йўла кул касаллигини даволаш мақсадида иш суюқлигига коллоидли ёки хўлланувчи олтингугурт қўшиб пуркалади (100 л. сувга 0,8-1 кг.). Вектра, Топаз препаратларини қўйсса ҳам бўлади. Томорқа шароитида тамаки қайнатмасидан фойдаланса ҳам бўлади.

Ун ғуборли ток қурти. Ток ширасини суриб, унинг барча аъзоларини зарарлайди. Шикастланган ток барвлари сарғайиб, тўқилиб кетади, узум бошлари эса қуриб қолади. Оқибатда ҳосил сезиларли даражада камайиб кетади. ғужумлари bemaza бўлиб этилади, устилари қуртнинг ширали чиқиндиси билан булғанади.

Кураши чоралари. Агар узумхўр қуртига қаршии кураши ўтқазилган бўлса, ун губорли ток қуртига қаршии баҳор, ёз ойларида маҳсус пуркаши ўтқазмаса, ҳам бўлади. Кураши чораларини амалга ошириши зарурати туғилса, кузда ёки эрта баҳорда куртаклар бўртиши олдидан ток туплари 0,2%ли Данитол (10 л. сувга 20 г.) билан жиққа қилиб пуркалади. Золон ёки Карбофос (10 л. сувга 30 г.) ёки тамаки қайнатмасидан ҳам фойдаланса бўлади.

Кравчик (Хумбош). Бу қўнгиз серсув ўсимликлар, шу жумладан токнинг кўклиамги барра новдалари билан озиқланади. Битта қўнгиз 4тадан 12-тагача кўк новдани қирқиб ташлайди. Тоғли ва тоғолди токчилик минтакаларида зараркунанда анча тарқалган Кравчикнинг зарарлик даври 15-20 кун бўлган баҳорги тури ток тупи учун энг ҳавфли ҳисобланади. У кенг тарқалган жойларда ҳосилдорлик 60-70% гача пасайиб кетиши мумкин.

Кураши чоралари. Эрта баҳорда ток новдалари ўз вақтида кўтариб боғланади. Кўнгиз инларини бузиб ташлаши мақсадида МПВ-1 (токзорлар тупрогига ишлов берувчи бир қаторли машина) ёки бошқа механизмлар ёрдамида туплар оралиги тупрогига ишлов берилади. Ер бағирлатиб ўстирилган токзорлар ва сўрига кўтарилимаган ёш токзорлар атрофидаги майдон дориланади. Бу иши дастлабки қўнгизлар қишлоғи жойларидан чиққандан 3-4 кун ўтгач (10 м² майдонда 2-3 та топилганда) бажарилади.

Препаратлардан ток меваҳўри ва олма қуртига қаршии тавсия этилганлари қўлланилади. Бензофосфат кукуни 1 гектарга 3-4 кг. ҳисобидан олтингугуртга қўшиб чанглатилса ҳам бўлади.

Токнинг оидиум (ун шудринг, кул, шўра) касаллиги Ўзбекистон шароитида кенг тарқалган. Токлар бу касалликдан ҳимоя қилинмаса, ҳосили 60-80% гача ёки бутунлай нобуд бўлиши мумкин. Замбуруғли бу касаллик токнинг ҳамма яшил қисмларини тўпгул, гултож ва узум ғужуми, узум бандлари, новда, баргларни ҳам заарлайди. У билан касалланган узум доналари майдалигича қолади, шаклини йўқотиб ёрилиб кетади.

Новдалари ривожланмайди ва яхши етилмайди. Натижада келгуси йил ҳосили щам кескин камаяди. Шунинг учун фермерлик хўжалиги ва томорқа шароитида хомтоклар ўз вақтида ва сифатли ўтқазилмаса ишком ва сўриларда токлар қалинлашиб кетса, узумлар ёрилади ва чириб кетади.

Касалликга айниқса қимматбаҳо навлар – Хусайнини, Каттақўргон, Қора кишишиб, Пушти тойфи, Гўзал қора навлари кўпроқ чалинади. Винобоп навлардан Хиндогни, Ркацители, Гулжа узуми кўпроқ заарланади.

Касалликнинг олдини олиш ва ҳимоя чоралари

Мавсумда шўра хомток, ғўра хомток ва узумзорларга сув юргурган даврда, чилла чиққандан сўнг новдаларни қискартириш ортиқча баргларни олиб ташлаш зарур. Хомтоклардан кейин новдаларни яхши шамоллайдиган ва ёруглик бемалол тушадиган қилиб тараш керак.

Агротехник тадбирлар ўтқазиш билан бир қаторда токларга тўйилган олтингугурт билан ишлов бериш яхши самара беради.

Токларда биринчи маротаба эрта баҳорда новдалар боғланиб, 3-4 тадан чинбарг ҳосил бўлганда, 8-10 кундан кейин – иккинчи маротаба, ток гуллаб бўлгандан кейин 2 ҳафта ўтгач, учинчи маротаба олтингугурт чанглатилади.

Узумзорларни ёшига ва қалинлигига қараб гектарига 20 кг.дан 35-40 кг.гача олтингугурт сарфланади. Олтингугурт кукуни бўлмаса 1%-ли хулланувчи олтингугурт пуркалади (100 л. сувга 1 кг.). Топаз (100 л. сувга 50 г.) ёки Вектра (100 л. сувга 30 г.) препаратларини ҳам қўлласа бўлади.

Томорқа шароитида олтингугурт токнинг қалинлигига қараб 10 кв. метрга 60-100 г. сарфланади. Сувда эрийдигани 10 л. сувга 100 г. солинади, новда ва барглар ўта хўл бўлгунича пуркалади. Томорқада калий перманганатини (марганцовка) ҳам қўлласа бўлади. (10 л. сувда 5-6 г. эритилади) 6-7 кун оралатиб 2-3 маротаба пуркалади.

Доғли антракноз (корасон, чечак). Бу замбуруғли касаллик токнинг барча яшил аъзоларини заарлайди. Баргларда қўнғир доғлар пайдо бўлади, новданинг пўсти ва ўзи ёрилади, қийшаяди, мўртлашади, бутунлай қуриб қолиши ҳам мумкин. Узум шакли бузилади ва ёрилиб кетади. Бу касаллик қўклам ойлари серёғин келганда жуда ҳам ривожланади.

Кураши чоралари. Касалликга қарши курашда агротехник чоралар профилактик характерга эга. Калий уғитини қўпроқ берни керак, шунда ўсимликнинг касалликга чидамлилиги ошиади. Кузда ток кесишда заараланган новдалар ёкиб юборилади. Қатор оралари тупроқ қатламини ағдариб чуқур ҳайдаш, зарур бегона ўтлар босишига мутлақо йўл қўймаслик керак.

Антракноз билан заараланган токзорлар, кузда кўмишидан олдин 3%-ли бордо суюқлиги (100 л. сувга 3 кг. мис купороси ва 3 кг. оҳак) билан барча занг ва новдалари ювиши даражасида пуркалади. 5°-ли оҳак – олтингугурт қайнатмаси ҳам самаралидир. Баҳорда, ўтган мавсумда заараланган токзорлар куртак чиқарииши биланоқ 1%-ли бордо суюқлиги (100 л. сувга 1 кг. мис купороси ва 1 кг. оҳак) билан пуркалади. Бу даврда оҳак олтингугурт қайнатмасини (ИСО) 1 градуслигини қўлласа ҳам бўлади. Топсин (100 л. сувга 100 г) ёки Вектра (100 л. сувга 30 г.) препаратлари ҳам самаралидир. 10-12 кун ўтгач токзорлар қайта пуркалади. Томорқада ҳам куртак ёзила бошлаганди 1% БС сепилади (10 л. сувга 100 г. мис купороси ва 100 г. оҳак) 7-10 кун ўтгач тақрорланади.

Бактериал рак (буқоқ). Касалликни келтириб чиқарувчи бактериялар токнинг зангларида ва илдизга яқин қисмида йуғонлиги 10-15 см. гача бўлган рак шишларини келтириб чиқаради. Токнинг ривожланиши сусаяди, айрим занг ва новдаларни баъзан ток тупининг ўзини ҳам қуритади. Кузда яхши ёпилмаган ва совуқлардан шикастланган токзорлар рак касалига қўпроқ чалинади.

Кураши чоралари. Бу касаллик одатда заараланган токлардан тайёрланган кўчатлар орқали тарқалади. Шунинг учун қаламчалар нуҳоятда соглом туплардан олинини керак.

Заараланган новда ва зангар токзордан олиб чиқиб ташланади ва ёкиб юборилади. Бордо суюқлиги ва оҳак олтингугурт қайнатмаси антракноз касалига қарши қандай қўлланса, рак касаллигига қарши ҳам шундай пуркаш сифати юқори бўлиши керак.

Хлороз (ток баргларини сарғайиши). Бу касалликга чалинган токзорларда новдалар ўсишдан тўхтайди, тўпгуллар сарғайиб тўкилиб кетади, барглар рангини йўқотади ва қуриб қолади.

Кураш чоралари. Хлорозга қарши курашув ток ёшини ҳисобға олган холда бир түпгә 0,3-1 кг. ҳисобида темир купороси ишилатилади. Препарат күзда 25-30 см. чүкүрликдә қазилған түп атрофидаги ариқларға солиниб, устига түпроқ ташланади ва сугорилади. Сернам ерлар түпроги юмшатилади ва нами қочириллади.